

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**  
**“ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ” ФАКУЛЬТЕТИ**  
**“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ**

**“Ҳимояга тавсия этилди”**  
**“Иқтисодиёт” кафедраси**  
**мудири, и.ф.н., доц.в.б.**

\_\_\_\_\_ **Ш.Султонов**  
**“Иқтисодиёт” кафедраси**  
**мажлиси баённома № \_\_**  
**2014 йил “\_\_” \_\_\_\_\_**

**“Иқтисодиёт” мутахассислиги**  
**МИ-112 гуруҳ талабаси Аброр Ҳазратовнинг**  
**“ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ҚОРХОНАЛАРИНИНГ**  
**САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**  
**(САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)”**  
**МАВЗУСИДАГИ**  
**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Илмий раҳбар: и.ф.н, доцент Э.Шавқиев**

**САМАРҚАНД – 2014**

**МАВЗУ: ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ КОРХОНАЛАРИНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ  
(САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**МУНДАРИЖА**

**Кириш**

**I-боб. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА  
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲА ВА СОҲА КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.**

- 1.1. Хизмат кўрсатиш соҳасининг мазмуни ва моҳияти
- 1.2. Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятининг ўсиш тенденциялари
- 1.3. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигининг моҳияти ва уни аниқлаш кўрсаткичлари

**II-боб. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ  
САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ**

- 2.1. Хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги
- 2.2. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлиги таҳлили
- 2.3. Социал хизматлар самарадорлигининг ўзига хос жиҳатлари

**III-боб. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
ЙЎЛЛАРИ**

- 3.1. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари
- 3.2. Хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини ошириш йўллари

**IV-боб. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА МЕҲНАТ ВА  
ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**Хулоса**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

**Иловалар**

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимизнинг замонавий бозор муносабатларига ўтишдан асосий мақсад – бу энг аввало инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдир. Шу сабабдан ҳам мустақиллик йиллари мобайнида, ривожланган давлатлар орттирган ижобий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, республикада иқтисодий, демократик ва сиёсий ислохотлар воситасида янги жамиятнинг асослари яратилмоқда. Бу дунёда машҳур бўлиб бораётган “ўзбек модели” негизида амалга оширилмоқда.

2013 йил 06 декабрда Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ”... дунё ҳамжамиятида “ўзбек модели” деб ном қозонган, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Ушбу моделнинг мазмун-моҳияти машҳур беш тамойилда мужассам топгани барчамизга яхши маълум. Бу тамойиллар иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги бошқарувчилик ролини тан олиш, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, шунингдек, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишдан иборат экани билан алоҳида ажралиб туради”<sup>1</sup>, деб таъкидлади.

Мустақиллик йилларида, иқтисодиётдаги ижобий таркибий ўзгаришлар натижасида, моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи корхоналар билан бир қаторда хизмат кўрсатувчи минглаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Улар, табиийки, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга бевосита хизмат қилмоқда.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. // Халқ сўзи, 2013 йил 7 декабрь.

Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш ва рағбатлантириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган изчил тадбирлар, хизмат соҳасидаги алоҳида олинган тармоқларни ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 майдаги «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш ҳақида»ги ПК-325-сонли, 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги ПК-640-сонли қарорлари бунга яққол мисол бўла олади.

Янги бозор муносабатлари шароитида хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишда ходимлар меҳнатидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, хизмат кўрсатиш сифатини кўтариш, мавжуд моддий ва молиявий ресурслардан тежамли фойдаланишга эришиш, истеъмолчилар талабини тўлароқ қондириш ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Таркибий янгиликлардаги алоҳида эътиборни талаб этадиган муҳим масала, бу – хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016 йилларга мўлжалланган дастур лойиҳасини тасдиқлаш учун киритиш, бунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида бу соҳанинг улуши 54-56 фоизга етказилишини назарда тутиш даркор"<sup>2</sup>.

Шуни таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича бир қанча назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган илмий ишлар чоп этилган бўлсада,

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. // "Халқ сўзи", 2012 йил. 20 январь.

бозор муносабатларининг ривожланиб бориши давомида хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш мавзуси янада долзарб бўлиб бормоқда.

Юқорида кўриб чиқилган ҳолатлар мазкур диссертация изланишлари мавзусини белгилаб олишга асос бўлди.

**Тадқиқот объекти** бўлиб Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари фаолияти олинган.

**Тадқиқот предмети** Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари самарадорлигини ошириш имкониятларини очиқ бериш ҳисобланади.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Хизмат кўрсатиш соҳасига оид корхоналар иқтисодиётининг назарий-услубий тадқиқотига хорижий давлатлар ҳамда мамлакатимиз олимлари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва соҳа корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари Абдукаримов Б.А., Ишмухамедов А.Е., Каланова М.З., Мирзаев Қ.Ж., Муҳаммедов М.М., Очилов И., Тухлиев И.С., Пардаев М.Қ., Файзиев Э.С., Шарипов Т.С., Шодмонов Ш. ва бошқа олимлар ишларида атрофлича ёритилган.

**Мавзунинг мақсади ва вазифалари.** Мавзунинг мақсади Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун диссертацияда қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш кўзда тутилган:

- хизмат кўрсатиш тушунчаси, унинг турлари ва унинг шаклланишининг илмий-услубий ҳамда иқтисодий асосларини тадқиқ қилиш;

- мамлакатда хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини қўллаб қувватлаш тизимини таҳлил қилиш;

- хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари фаолиятига таъсир этувчи омилларни ўрганиш;

- хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш;

- Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

- хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини оширишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўналишларини белгилаш.

**Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари.** Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосларини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, Президент И.А.Каримовнинг иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бўйича таклиф ва кўрсатмалари, олимларнинг монографиялари, ишлаб чиқариш корхоналари харажатларини тежаш бўйича қўлланилаётган услублар ташкил этади.

Ишнинг ахборот манбаи Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси, Давлат мулк Қўмитаси, интернет орқали олинган маълумотлар ҳамда даврий матбуотда эълон қилинган статистик маълумотлар ташкил этади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

- “хизмат” ва “самарадорлик” тушунчаларининг моҳияти бўйича такомиллашган таъриф берилди;

- хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигининг ижтимоий ва иқтисодий моҳияти очиқ берилди ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таснифланди;

- хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолияти самарадорлиги таҳлил қилинди;

- хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари аниқланди;

- хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар берилди.

**Тадқиқот натижаларининг тадбиқ этилганлиги.** Тадқиқот ишида келтирилган илмий хулоса ва амалий таклифлардан Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатаётган корхоналар ўз фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида мавзуга оид фанларни ўқитишда қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

**Диссертация ишининг таркибий тузилиши.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг умумий ҳажми ... бет бўлиб, ... та жадвал, ... та расмдан иборат.

# **I-боб. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҶА ВА СОҶА КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.**

## **1.1.Хизмат кўрсатиш соҳасининг мазмуни ва моҳияти**

Ўзбекистоннинг янги бозор муносабатларига ўтиши, унинг ўзига хос шарт-шароитлари, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда рўй бермоқда. Бунда жаҳон амалиётида тўпланган ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар ортирган ижобий тажрибалар ҳам ҳисобга олинмоқда.

Хизмат деганда аввало меҳнат маҳсулотини тушуниш лозим. Ушбу маҳсулотнинг асосий белгиланиши бўлиб, инсонларнинг аниқ талабларини қондириш ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда хизмат-бу инсонларнинг эҳтиёж ва талабларини қондиришга қаратилган фаолиятдир.

**Бизнинг фикримизча, хизмат дейилганда инсоннинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолиятни тушунилади.**

Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳатларнинг пировард мақсадлари, бу энг аввало, инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдир. Бу эса хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришни талаб қилади.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида хизматлар соҳаси муҳим ўрин эгаллайди. У миллий иқтисодиёт мажмуининг таркибий қисми бўлиб иқтисодий муносабатлар умумий тизими таркибига киради ва жамиятдаги мавжуд иқтисодий қонунларга бўйсунди. Ҳозирги кунда тармоқларнинг халқаро таснифида улар уч секторга бўлинади:

- бирламчи (қишлоқ хўжалиги, қазиб олиш саноати),
- иккиламчи (қайта ишлаш саноати)
- учламчи (хизматлар соҳаси ёки ижтимоий соҳа).



Хизмат кўрсатиш соҳаси — бу миллий иқтисодийнинг хизматлар кўрсатишга тегишли ҳар хил тармоқлар йиғиндиси. У ижтимоий характерга эга: ўз хизматларини аҳоли билан бир қаторда, юридик шахсларга ҳам таклиф қилади. Аҳолига кўрсатилаётган хизматлар — социал хизматлардир.

С.И. Ожегов тузган “Словарь русского языка”да “социал” тушунчасига қуйидагича изоҳ берилган: “Социальный. -ая, -ое. Общественный, относящийся к жизни людей и их отношениям в обществе”<sup>3</sup>. Бундан кўриниб турибдики “социал” атамаси ижтимоий характерга эга бўлиб, у инсонлар ҳаётига ва уларнинг жамиятдаги муносабатларига тааллуқлидир.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий вазифаси — аҳоли ҳамда юридик шахслар учун керак бўлган хизматларни яратиш ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларига қуйидагилар киради: молия, кредит ва суғурта тизими, чакана савдо, таълим, тиббиёт, уй-жой коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғи, жисмоний тарбия ва спорт, маданият ва санъат, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий таминот ва бошқалар. Улар аҳоли ва корхона(ташкilot, муассасалар)нинг қандайдир эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган тармоқлардир.

Назарий жиҳатдан хизматлар соҳасини икки асосий қисмга — моддий ва номоддий хизмат кўрсатиш тармоқларига бўлиш мумкин.

Моддий хизматлар — ишлаб чиқариш тармоқларида яратилган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш ва уларни сақлаш (савдо хизматлари), уй-жой коммунал хўжалиги хизмати (газ, сув, электр ва иссиқлик энергияси, уй-жой жамғармасининг эксплуатацияси, кўчаларни тозалаш ва бошқа), маиший хизмат (пойабзал, кийим-кечак, мебель, уй-жой техникаси, автомобиль ремонтлари ва ҳоказо).

Номоддий хизматлар — моддий шаклга эга бўлмаган ҳамда истеъмолчиларга моддий бойлик бермайдиган меҳнатлар киради. Бу маданият марказлари, соғлиқни сақлаш, таълим тарбия, физкультура ва

---

<sup>3</sup> Ожегов С.И. СЛОВАРЬ РУССКОГО ЯЗЫКА. Ок. 57000 слов. Под. Ред. д-ра филол. наук, проф. Н.Ю. Швердовой. — 12-е изд. — М.: Рус. яз., 1978, стр.692.

спорт, дам олиш ва туризм, шунингдек, маиший хизматнинг номоддий хизматларидир (болалар тарбияси хизмати, сартарошлик, ҳаммом хизматлари ва бошқалар).

Моддий ва номоддий хизматларга эҳтиёж ижтимоий-иқтисодий шароитлар, фан-техника тараққиёти, иқлим, географик тарихий ва миллий шароитлар асосида вужудга келади. Ҳар хил хизматларга ва истеъмол товарларга бўлган эҳтиёжлар бир-бири билан боғлиқдир. Шу эҳтиёжларга таъсир этадиган энг асосий омил бўлиб моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси ҳисобланади. Айни пайтда, хизматларга бўлган эҳтиёжлар ишлаб чиқаришга (моддий ишлаб чиқаришда янги ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлишига, эски ишлаб чиқаришнинг кенгайишига) таъсир кўрсатади. Ривожланган мамлакатларда бу муносабатларни давлат тартибга солади ва режалаштиради.

Моддий хизматларга ва истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни тўғри ва сифатли аниқлаш моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун асосий шароитлардан бири бўлиб ҳисобланади. Соҳа хизматларига бўлган эҳтиёжларга аҳоли сони, унинг даромадлари, баҳолар даражаси, корхона(ташкилот, муассасалар) сони ва уларнинг техник жиҳатдан жиҳозланиш даражаси ва бошқалар катта таъсир этади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси (иқтисодий муносабатларда) ўзига хос хусусиятларга эга. Уларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи соҳадан (саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқалардан) ўзининг йўналиши билан фарқ қилади. Бу соҳа фаолияти инсон ҳаёти учун ижтимоий шароитлар ҳамда корхона(ташкилот, муассасалар) фаолиятининг узлуксиз давом этишига қўлайликлар яратишга қаратилган;
- хизмат кўрсатиш соҳасидаги меҳнат ишлаб чиқаришдаги меҳнатдан тубдан фарқ қилади. Соҳа хизматчиси меҳнати жисмоний ва юридик шахслар эҳтиёж (талаб)ларига боғлиқ бўлиб, унда фаолият юритаётган хизматчилардан фидойиликни талаб қилади;

- соҳада табиий омил ишлаб чиқаришдагидек муҳим эмас;
- хизмат кўрсатиш соҳаси нисбатан камроқ механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади;
- соҳа хизмати истеъмол учун хизмат қилади;
- хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари (жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари) мамлакатнинг барча ҳудудларида жойлашган. Бошқа соҳа тармоқлари бундай хусусиятга эга эмас;
- хизмат кўрсатиш соҳасининг айрим тармоқларини молиялаштириш икки усулда: смета ва бюджетдан ташқари маблағлар асосида амалга оширилади;
- соҳа хизматчиларига маош беришни ташкиллаштиришнинг ўз хусусиятлари мавжуд.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ресурс манбалари асосан инсон меҳнати билан боғлиқ. Ишлаб чиқаришда 60 фоиздан кўпроқ хом ашё ва материаллардан фойдаланилса, хизмат кўрсатиш соҳасида бундай ресурслар кам ишлатилади. Соҳада нисбатан кам материал ҳаражатлардан фойдаланилиб, кўпроқ хизмат кўрсатилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида моддий ресурслар жорий ҳаражатнинг моддий элементларини ўз ичига олади. Уларга иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (китоблар, озиқ.-овқатлар, дарсликлар), электр энергия, ёқилғи, бутловчи қисмлар ва бошқалар киради.

Хизмат кўрсатиш соҳаси моддий-техник базасининг асосини — узоқ муддатли активлар ташкил этади. Буларга бинолар, қурилишлар, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва ҳоказолар киради. Моддий-техника базасининг ривожини албатта юқоридаги элементларнинг ўзгаришига боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан соҳа моддий-техника базаси ривожланишининг куйидаги асосий йўналишларини қайд этиш мумкин:

- соҳа тармоқларини кенгайтириш ва ходимларни керакли асбоб ускуналар, истеъмолчиларни эса зарур эҳтиёж предметлари билан

таъминлаш;

- истеъмолчиларга қўшимча шарт-шароитлар яратиш (мактабларда ҳар бир ўқувчи учун белгиланган ўрин сони, шифохонада беморлар учун жой, хизмат ўринларини яхшилаш ва ҳоказо);
- хизмат турлари моддий ресурсларини бойитиш (диагностик-даволаш ускуналари, видео техника, компьютерлар билан таъминлаш);
- жонли меҳнат хизмат тури ҳаражатларини камайтириш.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларининг вазифалари қуйидагича:

- хизмат кўрсатиш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражасини ошириш орқали соҳани юқори суръатлар билан ривожлантириш;
- республика миллий хусусиятини ҳисобга олганда хизмат кўрсатиш соҳасига тегишли бўлган муассасаларни қишлоқ жойларида юқори суръатлар билан ривожлантириш ва бунинг натижасида қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг турмуш даражасидаги бўлган фарқни камайтириш;
- аҳолига кўрсатиладиган умумий хизматларда имтиёзлар асосида кўрсатиладиган хизматлар улушини ошириш (таълим ва соғлиқни сақлаш тармоқлари ходимларига ҳамда пенсионерларга кўрсатиладиган айрим маиший хизматлар ва ҳоказо);
- соҳа тармоқларига миллий иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида банд бўлган меҳнат ресурсларни жалб қилиш ва уларга ўз салоҳиятларидан тўлиқ фойдаланишга имкон бериш;
- миллий иқтисодиётнинг барча соҳалари учун зарур бўлган юқори малакали кадрларни етказиб бериш;
- аҳолининг бўш вақтини кўпайтиришга ва шу вақтдан оқилона фойдаланишга шароит туғдириш.

Янги қиймат яратадиган хизматлар – ишлаб чиқариш характерида эга бўлади. Буларга маиший хизмат тармоғининг кийим кечакларни тикиши, уйларни қуриш, истеъмолчининг буюртмаси бўйича товарларни

истеъмолчига етказиб бериш ва бошқа хизматлар киради. Ноишлаб чиқариш характериға эға бўлган хизматларға янги ёки қўшимча қиймат яратадиган хизматлар киради: сартарошлик хизматлари, маданият ва санъат муассасалари хизматлари ва ҳоказолар.

Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида ишлайдиган ходимлар малакали мутахасислар бўлиб, олий ёки ўрта махсус таълимға эгадирлар: тиббиёт, маориф, маданият ва санъат соҳаларида. Шунинг учун ҳам, таълим даражаси бўйича, ижтимоий соҳа тармоқларида банд бўлган мутахасислар умуман миллий иқтисодиётда банд бўлган мутахасисларға нисбатан юқорирок.

Янги бозор муносабатлари шароитида амалға оширилаётган ислохатлар аҳолининг барча катламларига, шунингдек, мулк шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектларға соҳа хизматларидан фойдаланишлари учун етарли шарт-шароитлар яратишға қаратилган.

Иқтисодиётда рўй бераётган жараёнлар ва уларни ҳаракатлантирувчи механизмлар хусусида аниқ тассавурға эға бўлиш учун уларнинг мазмун-моҳиятини билмоқ зарур бўлади. Шу нуқтаи-назардан хизматлар кўрсатиш соҳасининг назарий-методологик асосларини тадқиқ қилиш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Луғатларда “хизмат” ва “сервис” тушунчаларнинг луғавий маънолари келтирилган бўлса, иқтисодий адабиётларда бу тушунчаларнинг иқтисодий моҳиятини очиб беришға ҳаракат қилинган. Жумладан, С.И. Ожегов тузган “Словарь русского языка”да “Услуга. 1. Действие, приносящее пользу, ... 2. Бытовые удобства, предоставляемые кому-н.”<sup>4</sup>, яъни “наф келтирувчи ҳаракат”, “кимгадир маиший шароит тақдим этиш”, деган маънода изоҳ берилган. Ушбу луғатда: “Сервис. То же, что обслуживание”, яъни “сервис ҳам хизматдир”<sup>5</sup>, дейилган. Демак, мазкур луғатда “хизмат” ва “сервис” бир хил ва улар “кимгадир маиший шароит яратадиган, наф келтирадиган

<sup>4</sup> Ожегов С.И. СЛОВАРЬ РУССКОГО ЯЗЫКА. Ок. 57000 слов. Под. Ред.д-ра филол. наук, проф. Н.Ю. Швердовой. – 12-е изд. – М.: Рус. яз., 1978, стр.771.

<sup>5</sup> Там же, стр.656.

харакат”, деб қаралади. АҚШнинг Небраска штати Университети иқтисодиёт профессори Кэмпелл Р. МАККОННЕЛЛ ва Вашингтон штати Тинчокеан Лютеран Унивеситети иқтисодиёт профессори Стэнли Л. БРЮларнинг “Экономикс: Принципы, проблемы и политика” номли асарининг “Тушунчалар ва атамалар луғати” қисмида (2-нчи том) “Услуга (service) – то, что неосяземо (невидимо) и в обмен на что потребитель, фирма или правительство готовы предоставлять что-либо ценное”, яъни “хизмат – бу сезиб бўлмайдиган (кўзга кўринмайдиган) ва унинг ўрнига қийматга эга бўлган қандайдир нарсани истемолчи, фирма ёки ҳукумат томонидан тақдим этилишидир”<sup>6</sup>.

Қайд этилган манбаларда келтирилган фикрлардан хулоса қилиш мумкинки – “хизмат” ва “сервис” мазмунан ўхшаш ва маълум бир қийматга эга категориялар бўлиб, ўз истемолчиларига наф келтирадиган фаолият (харакат) туридир. Бизнинг фикримизча, “хизмат” тушунчаси “сервис” тушунчасини ўз ичига қамраб олади. “Сервис” тушунчаси “хизмат” тушунчасини тўлдиради, у қўшимча хизмат кўринишида бўлади. Маълумки, автомашина ишлаб чиқарилиши, дастлаб, уларнинг савдосини ташкил этишга зарурият туғдирди. Бу хизматнинг дастлабки, асосий босқичидир. Кейинчалик эса уни таъмирлаш, ёнилғи билан таъминлаш, техник қаровдан ўтказиш ва бошқа қўшимча хизмат (сервис хизмат)ларга эҳтиёжлар юзага келди.

Иқтисодий адабиётларда “хизмат” ва “сервис” тушунчалари хусусида бир қатор фикрлар мавжуд. Уларнинг айримларини қуйида келтирамыз.

И.Очиловнинг фикрича “... **хизмат дейилганда инсоннинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади**”<sup>7</sup>. “Хизмат”

---

<sup>6</sup> Макконнелл К.Р, Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 Т.: Пер. С англ. Т. 2. – Галлин, 1993, стр.398.

<sup>7</sup> Очилов И. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг таснифи. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари.(монография) – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008, 18 бет

ва “сервис” тушунчаларига биргаликда кенгрок таърифни М.Қ. Пардаев берган. Унинг эътироф этишича “сервис деганда инсонларнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган, кишиларнинг наф келтирадиган, маълум сертификат ва андозаларга эга, сифат жиҳатидан юқори бўлган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади. Кўриниб турибдики, хизмат нафақат инсонларга, балки корхоналарга, жамиятга, давлатга кўрсатилса, сервис асосан аҳолига, одамларга кўрсатиладиган сифатли хизмат бўлиб ҳисобланади”<sup>8</sup>.

Хизматлар – пуллик, бепул ва имтиёзли хизматларга бўлинади. Пуллик хизматларга маиший хизмат, пассажир транспорти ва алоқа, ҳуқуқ характеридаги хизматлар, туристик хизматлар ва бошқалар киради. Бепул хизматлар – жамоат истеъмол жамғармаси ҳисобига кўрсатиладиган соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, маориф хизматларидир. Имтиёзли хизматлар қисман аҳоли томонидан, қисман эса жамоат истеъмол жамғармасидан тўланади.

Янги бозор муносабатлари шароитида йил сайин аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, уларнинг янги турларини юзага келтириш ҳисобига ортиб боради. Жумладан, халқ таълими соҳасида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 2012 йида 1145,7 млрд. сўмни ташкил этди. Бу 2005 йилга нисбатан 11,3 баробар<sup>9</sup> кўпдир.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида айтиш мумкинки, хизмат (жумладан, сервис) иқтисодий фаолиятнинг муҳим бир шакли. У моддий ва номоддий кўринишга эга бўлиб, аҳоли ва юридик шахслар эҳтиёжларини (талаб чегарасида) қондиришга қаратилган фаолиятдир. Бунда, табиийки, иқтисодий муносабатлар амал қилади.

Хизмат иқтисодий категория сифатида инсонлар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг моддий ҳамда номоддий тусдаги

---

<sup>8</sup> Пардаев М.Қ. Хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий табиати ва уни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари (назарий жиҳатлар)//Сервис. – Самарқанд, 2009. -№ 1, 37-44 бетлар.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, 2013, 163 бет.

хизматларга бўлган эҳтиёжлари (талаби)ни қондиришда юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттиради.

## **1.2.Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятининг ўсиш тенденциялари**

Ҳар қандай жамият ўз аъзоларининг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришлари учун шарт-шароит яратиши лозим. Ҳаётий эҳтиёжлар – бу иқтисодий, ижтимоий (социал), сиёсий, маънавий ва физиологик эҳтиёжлардир. Улар орасида ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар алоҳида ўринга эга.

Ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар – бу инсонларнинг яшаши, меҳнат қилиши ва интеллектуал салоҳиятини оширишда зарур бўладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда хизматлар йиғиндисидир. Бундай эҳтиёжлар ижтимоий-иқтисодий шароитлар, фан-техника тараққиёти, иқлим, географик, тарихий ва миллий шароитлар асосида вужудга келади.

Эҳтиёжнинг дастлабки қиёфаси индивидуал (якка) тарзда бўлади. Чунки ҳар бир инсоннинг эҳтиёжи бошқа инсонлар эҳтиёжидан – диди, одати, жисмоний ҳолати ва меҳнат фаолияти характери билан фарқ қилади.

Ҳаётда инсонларнинг индивидуал эҳтиёжлари бошқаларникидан алоҳида тарзда қондирилиши мумкин. Бироқ, аксарият ҳолларда, инсонлар эҳтиёжи биргаликда (маълум гуруҳга бирлашган инсонлар эҳтиёжи кўринишда) қондирилади.

Индивидуал эҳтиёж ва гуруҳга жамланган инсонлар эҳтиёжи, биргаликда, жамият эҳтиёжини ташкил этади. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда эҳтиёжлар доираси кенг ва, аксинча, иқтисодиёти ночор бўлса эҳтиёжлар доираси тор бўлади.

Жамият аъзоларининг эҳтиёжлари турли-туман: моддий, ижтимоий-маънавий ва меҳнат эҳтиёжлари.



Инсон ҳаёти учун зарур бўлган бу эҳтиёжлар бир-бири билан боғлиқ. Улар биргаликда “ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар”, деб номланади.

Жамиятнинг ривожланиши давомида ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар ҳам кенгайиб бораверади. Бундай эҳтиёжларни қондиришда, табиийки, хизмат кўрсатиш субъектларининг роли катта: инсонларнинг кийим-кечакларни ювиш машинасига бўлган эҳтиёжи, уни ишлаб чиқариш билан бир қаторда савдосини ташкил этиш, электроэнергия билан таъминлаш ва таъмирлаш каби хизматларга бўлган эҳтиёжларни келтириб чиқарди.

Эҳтиёжларни “жамият тараққиётининг двигатели, уни характлантирувчи куч”, деб айтсак хато бўлмайди. Эҳтиёжларнинг ўсиб бориши, уларни қондиришнинг воситаларини ҳам юзага келтиради. Ҳаётий эҳтиёжлар қондирилмаётган жамият ҳеч қачон ривожланмайди.

Эҳтиёжларга таъсир этадиган энг асосий омил – моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси ҳисобланади. Айти чоғда, эҳтиёжлар ишлаб чиқаришга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Улар моддий ишлаб чиқаришда янги ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлишига эски ишлаб чиқаришнинг кенгайишига олиб келади.

Ривожланган мамлакатларда ҳаётий эҳтиёжларни қондириш моддий неъматларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш юзасидан бўладиган муносабатларни давлат тартибга солади ва режалаштиради.

Хизмат кўрсатиш тармоқларининг хизматларига бўлган эҳтиёжларни ва истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни тўғри ва сифатли аниқлаш моддий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий шароитлардан бири бўлиб ҳисобланади. Моддий неъматларни ишлаб чиқариш ва унга мос равишда хизматларга бўлган эҳтиёжларни аниқлашда норматив ва баланс усуллардан фойдаланилади.

Маълумки, эҳтиёжлар талаб доирасида қондирилади. Талаб – эҳтиёжларнинг асосий шакли. У аҳоли сони, унинг даромадлари, товарлар ва хизматлар баҳосининг даражасига боғлиқ.

Ижтимоий-иқтисодий хизматларга бўлган талабни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- пуллик хизматларга бўлган талаб;
- пулсиз хизматларга бўлган талаб.

Пуллик хизматларга бўлган талаб биринчи навбатда аҳолининг даромадларига, пулсиз хизматларга бўлган талаб эса миллий даромад, истеъмол фонди ҳажмига боғлиқдир.

Ҳозирги шароитда амалга оширилаётган ислохотлар миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим. Унинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланган хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш – аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, унинг турли хилдаги талабларини кондириш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Аҳолининг шахсий эҳтиёжига ишлатиладиган барча моддий бойликлар ички савдо тармоқлари ёрдамида тақсимланади. Мамлакатимизда аралаш иқтисодиётнинг шаклланиши муносабати билан хусусий савдо-сотик хизмати ривожланиб бормоқда. 2012 йилда чакана товар айланмасида нодавлат савдосининг солиштирма хиссаси 99,8 фоизни<sup>10</sup> ташкил этди.

2012 йилда чакана товар айланмаси умумий ҳажмида 73,8 фоиз шаҳар савдоси ва 26,2 фоиз қишлоқ савдоси улушига тўғри келади. Умумий овқатланиш корхоналари товар айланмаси мамлакат товар айланмасини умумий ҳажмининг 2,6 фоизни ташкил қилади. Аҳолига 2005 йилда 57,6 мингта чакана савдо корхоналари хизмат қилган бўлса 2012 йилда уларнинг сони 68,6 мингтага<sup>11</sup> етди. Уларнинг хизмат қилиш усули ҳам ривож топди ва жаҳон андозаларига яқинлашмоқда. Бунинг асосий сабаби мулк шаклларининг ўзгаришидир.

Таҳлиллар далолат берадики, мамлакатимизда ўрганилаётган даврда чакана ва овқатланиш корхоналари товар айланмаси ўртача 26,5 фоизга

---

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2013, 136 бет

<sup>11</sup> Ўша манба, 136-142 бетлар

ўсган. Овқатланиш корхоналариники, бу ўртача кўрсаткичдан, бироз юқори – 28,5 фоиз.

1-жадвал

Ўзбекистонда чакана ва овқатланиш корхоналари товар айланмасининг ўсиш суръатлари<sup>12</sup>

(олдинги йилга нисбатан)

т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар			
		2005	2010	2011	2012
1	Чакана товар айланмаси	116,7	129,3	130,4	129,5
2	Овқатланиш корхоналари товар айланмаси	110,8	142,2	134,2	126,8
	Жами	116,5	129,6	130,5	129,5

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мустақиллик йилларида мамлакат истеъмол бозоридаги вазият ўзгарди: ички ва ташқи савдо эркинлаштирилди, ишлаб чиқариш соҳасидаги монополистик фаолият чекланди, миллий валютани жорий операциялар бўйича конвертация қилиш йўлга қўйилди. Натижада хизматлар бозорининг маълум даражада барқарор ҳолга келиши таъминланди.

Республикада аҳолига кўрсатилган пуллик хизмат ҳажми 2012 йилда 13614,4 миллиард сўмни ташкил этди ва аҳоли жон бошига 457,2 минг сўмдан ошди. Пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида давлат мулкининг салмоғи кўпроқ – 17,7 фоиз<sup>13</sup>.

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, пуллик хизматларнинг барча турлари ҳажми ўсиш тенденциясига эга. Айниқса уй-жой коммунал, халқ таълими, маданият, экскурсия ва саёҳат, соғлиқни сақлаш, санатория-курорт ва соғломлаштириш соҳаларида ўсиш юқори.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши пулсиз хизматлар доирасининг қисқаришига, пуллик хизматларнинг эса кенгайиб боришига таъсир қилмоқда. Келгусида пуллик хизматлар – таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда янада кўпайиши мумкин.

<sup>12</sup>Ўша манба, 142 бет.

<sup>13</sup>Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2013, 162 бет

Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг асосий турлари ҳажмининг ўсиш суръатлари<sup>14</sup>

(олдинги йилга нисбатан)

Кўрсаткичлар	Йиллар			
	2005	2010	2011	2012
Барча кўтсатилган хизматлар	131,0	130,0	133,9	129,4
Шу жумладан:				
-маиший хизмат	126,2	114,4	144,5	121,9
-транспорт	126,7	137,0	128,6	129,3
-алоқа	120,7	118,9	131,0	124,0
-уй-жой коммунал	133,1	128,1	134,9	137,7
-халқ таълими соҳаси	133,6	152,6	131,2	143,5
-маданият	114,8	97,3	147,8	143,0
-экскурсия ва саёҳат	251,7	122,0	133,2	130,9
-жисмоний тарбия ва спорт	128,6	143,6	118,3	124,8
-соғлиқни сақлаш	129,2	122,5	123,4	146,4
-санатория-курорт ва соғломлаштириш	148,7	169,8	121,1	170,0
-хукуқий характердаги ва банк муассасалари хизмати	122,4	140,4	166,9	101,2
	165,2	133,2	132,8	130,8

Хизмат кўрсатиш соҳасида маиший хизмат кўрсатиш тармоғи муҳим аҳамият касб этади. Бу тармоқ хизматига эҳтиёж сезмаган одам топилмаса керак. “Ҳозирги кунга келиб ... аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғи ўз ичига ... бир-бири билан боғлиқ бўлган 800 дан ортиқ аҳолига пуллик хизмат...”<sup>15</sup>лар кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини рағбатлантириш мақсадида давлат бир қатор енгилликлар бермоқда. Жумладан, 2005 йилдан бошлаб фойдадан олинадиган солиқ ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга, кейинчалик эса 9 фоизгача қисқартирилди, юридик шахслар учун иш хақи фондидан ижтимоий суғурта ажратмалари 35 фоиздан 33 фоизга пасайтирилди, ҳозирги даврда 25 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, айрим солиқ турлари умуман бекор қилинди. Бу тадбирлар

<sup>14</sup>Ўша манба ,163 бет.

<sup>15</sup>Ishmuxamedov A.E., Kalanov B.Z., Kalanova M. Z., Zokirov G', Sunnatov M.N., “Ijtimoiy soha Iqtisodiyoti” (Darislik), - T.: TDIU, 2010, 87 bet.

хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини рағбатлантириш билан бир каторда аҳолининг хизматларга бўлган эҳтиёжни тўлиқроқ қондирилишига кўмак беради.

Ўзбекистон иқтисодиётидаги устувор йўналишларидан бири – қишлоқ жойларида ижтимоий инфратузилмани барпо этиш, сервис ва маиший хизмат тармоғини шакиллантиришдир. Бу муаммо ҳозирча ҳали тўла ҳал қилинмаган. Ҳар бир қишлоқда, овулда, ҳар бир кўрғонда таъмирлаш устaxonалари, дехқонларни керакли меҳнат воситалари (жумладан, қишлоқ хўжалиги техникаси), кўчатлар, минерал ўғитлар ва бошқалар билан таъминловчи шахобчаларнинг кенг тармоғини қарор топтириш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек “... мамлакатимизда, айниқса, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ҳали-бери фойдаланилмаётган катта резерв ва имкониятлар мавжудлигини тан олишимиз ҳамда бунга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур”<sup>16</sup>

Янги иқтисодий муносабатлар шароитида бозор механизми билан марказлаштирилган бошқарувни бириктирган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасини тартибга солиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

### **1.3. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигининг моҳияти ва уни аниқлаш кўрсаткичлари**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлатининг узоқ муддатга мўлжалланган иқтисодий стратегик мақсадларига эришишида миллий иқтисодиётнинг, жумладан, ижтимоий соҳа корхоналари фаолияти самарадорлигини тўхтовсиз ошириб бориш зарур ҳисобланади.

Мамлакатнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, аҳолининг моддий ва маънавий неъматларга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ва келажакда ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш корхона, ташкилот ва муассасалар фаолияти самарадорлигини оширишга бевосита боғлиқдир.

---

<sup>16</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислоҳатлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //”Халқ сўзи”, 2013 йил. 19 январь.

Шу сабабдан ҳам янги иқтисодий тизимга ўтиш даврининг бошидаёқ миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларида самарадорликга эришиш ва уни ошириб бориш масалалари биринчи ўринга қўйилди. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маъруза ва нутқларида, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари самарадорлигини ошириш масалалари билан боғлиқ устувор вазифалар чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиб борилмоқда.

Шуни қайд этиш лозимки, даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигини ошириш, фонд қайтими, рентабеллик ва ҳоказо тушунчалар “самарадорлик” тушунчасига мос келади. Бироқ, амалиётда “самарадорлик” тушунчаси баҳо, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга нисбатан камроқ ишлатилмоқда.

“Самарадорлик” тушунчаси – ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат самарадорлиги, ўқиш ва ўқитиш самарадорлиги, даволаш ва даволаниш самарадорлиги, қабул қилнган қонун ва қоидалар ҳамда ечимларнинг самарадорлиги каби тушунчаларни ўз ичига олади.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида ҳар бир корхонанинг энг асосий вазифаси самарали фаолият юритиши ҳисобланади. У хўжалик юритишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Корхоналарнинг самарали фаолият юритиши – режалаштирилган (мўлжалланган) фойдани олиш, ноишлаб чиқариш харажатларни ва йўқотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг сифатини яхшилашни аниқлатади.

“Корхона иқтисодиёти” ўқув қўлланмасининг муаллифлари Э.Ҳ. Махмудов ва М.Ю. Исаковларнинг қайд этганларидек: “Самара”,

“самарадорлик”, “ижтимоий-иқтисодий самарадорлик” каби тушунчаларнинг орасидаги фарқни англаб олиш зарур.

Самара – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат), фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш ёки умуман, йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда ишлаб чиқариш самарасини, пул шаклида эса иқтисодий самарани тавсифлайди.

Самарадорлик, аввало, корхона фаолиятининг сифат жиҳатларини тавсифловчи тушунчадир. У “самара” тоифасидан келиб чиқади ҳамда унга караганда мураккаб ва комплекс тавсифга эга.

Самарадорлик чора сифатида кўплаб техник, иқтисодий, лойиҳа ва хўжалик қарорларини аввалдан белгилаб беради. Корхона ўзининг хўжалик, илмий-техник ва инвестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чиқади”<sup>17</sup>.

“Корхона иқтисодиёти” фани дарслигининг муаллифлари – Б.А.Абдукаримов ва бошқалар қайд эганидек: “Ҳар қандай жамиятда ҳам ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш иқтисодий тараққиётнинг асосини яратади.

... иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш жиддий масалалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги пайтда кўпгина ресурслар чегараланган, уларнинг аксарияти (металл, қурилиш материаллари ва бошқалар) хориждан келтирилади. Шунинг учун мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, миллий ва хорижий сармояларни устувор соҳаларга жойлаштириш каби самарадорликни ошириш воситаларига етарли даражада эътибор бериш талаб қилинади.

... мамлакатда рўй бераётган ижтимоий ўзгаришлар кишиларнинг эътиборини жалб қилмоқда ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганиш ва

---

<sup>17</sup> Махмудов Э.Х. Исаков М.Ю. Корхона иқтисодиёти (маърузалар матни).-Т.:ТДИУ, 2010, 113 бет.

уларга баҳо бериш заруриятини туғдирмоқда. Бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самарадорлигини ўрганиш ўта муҳимдир. Улар ўзаро узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этадиган категориялардир”<sup>18</sup>.

“Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги унинг пировард мақсад натижасида ўз ифодасини топади. ижтимоий-иқтисодий самарадорлик таркибида иқтисодий самарадорлик алоҳида эътиборга эга.

Иқтисодий самара ишлаб чиқариш жараёнида яратилган иқтисодий неъматлар ҳажми билан ифодаланади. Иқтисодий самарадорликнинг мезони харажатлар билан эришилган иқтисодий неъматлар муносабатидир. Ишлаб чиқариш жараёнида ... харажат қилинади ва унинг натижасида маълум миқдордаги неъматлар яратилади. Харажат билан натижани таққослаш орқали иқтисодий самарадорлик ифодаланади”<sup>19</sup> деб изоҳланади.

Демак, “самарадорлик” тушунчаси ниҳоятда кенг тушунчадир, у олинган самаранинг сарфларга нисбатини акс эттиради.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти натижалиликни, фойдалиликни тақозо қилади. Бунинг учун энг кам ресурс сарфлаб, кўп натижага эришиш зарур бўлади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида беш турдаги ресурслар тизими ҳаракатда бўлади:

- моддий ресурслар;
- меҳнат ресурслари;
- молиявий ресурслар;
- энергетик ресурслар;
- ахборот ресурслари.

Бу ресурслардан оқилона фойдаланиб хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш мумкин.

---

<sup>18</sup> Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти (Дарслик).-Т.:Фан, 2015, 122 бет.

<sup>19</sup> Ўша манба, 123 бет.



Хизмат кўрсатиш корхоналари маълум бир натижа (самара)га эришиб хизмат кўрсатади ва маълум миқдорда харажат қилади, Самарадорликни аниқлашда эса олинган натижани, унга эришиш учун сарфланган харажатлар ёки ресурслар билан таққосланади. Демак, самарадорлик – бу хизмат кўрсатиш натижаси билан унга эришиш учун сарфланган меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларнинг ўзаро нисбатидир.

Назарияда ва амалиётда корхоналар фаолияти самарадорлиги иқтисодий ва ижтимоий кўринишларга бўлинади. Бизнинг фикримизча, самарадорликни иқтисодий ва ижтимоий кўринишларга бўлиш рамзийдир. Чунки, корхоналар фаолияти натижасида эришиладиган самарани иқтисодий ва (маълум маънода) ижтимоий самара, дейилса мантикга тўғри келади.

Маълумки, иқтисодиёт ижтимоий ҳаётдан ташқарида бўлмагани каби, ижтимоий ҳаёт ҳам иқтисодиётсиз бўлмайди. Шу сабабдан уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Амалга оширилган ҳар бир иш айна вақтда ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара келтиради. .

Хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий самарадорлик – иқтисодий фаолиятининг натижасидир. Яъни, бажарилган иш (хизмат) – бошқарув, янги техника ва технологияни жорий этиш, меҳнат сифатини ошириш ва ҳоказоларнинг натижасидир.

Ижтимоий (социал) самарадорлик инсоннинг ҳар томонлама камол топишига ёрдам берадиган тадбирлар орқали намоён бўлади. У меҳнат ва турмуш шароитлари яхшиланишида, ходимлар малакасини оширишда акс этади. Шунингдек, ижтимоий самарадорлик аҳоли жон бошига товар (иш ва хизмат)лар истеъмол қилиниши, ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган нафақа ва имтиёзлар, кадрлар тайёрлаш учун сарфланаётган маблағларнинг ўсишида ҳам ўз ифодасини топади.

Иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик бевосита корхоналарнинг ўзида – ишловчиларнинг меҳнати туфайли, улар ўртасидаги муносабатларда вужудга келади. Улар самарадорлик бир-бирини тўлдиради. Қайси корхонада

ижтимоий самарадорлик юқори бўлса, шунга муносиб равишда, иқтисодий самарадорлик ҳам юқори бўлади. Бу аксиомадир.

Иқтисодий юксалиш корхонанинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга ёрдамлашади. Фойданинг ўсиши, жамғармаларнинг ортиши корхонага ижтимоий вазифалар доирасини кенгайтириш ва уларни ҳал қилиш имконини беради. Ўз навбатида ишловчилар меҳнат шароитининг яхшиланиши, улар билими ва малакасининг ошиши иқтисодий самарадорликга ижобий таъсир кўрсатади.

Иқтисодий самарадорликга жонли ва буюмлашган меҳнатдан унумли фойдаланиш орқали эришилади. Қолайверса, корхоналарнинг мақсади маҳсулот, иш ва хизматларга бўлган талаб-эҳтиёжни қондириш орқали фойда олишдир. Бунга эришиш учун улар барча ресурслардан оқилона фойдаланиш, тайёрланадиган маҳсулот, бажариладиган иш ва кўрсатиладиган хизматнинг ҳар бир бирлигига сарфланадиган харажатларни камайтириш керак бўлади. Яъни, иқтисодий самарага эришиш талаб қилинади.

Иқтисодий самара – бу моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежаш туфайли эришилган миқдор. У вақтни тежаш, таъмирлаш муддатларини қисқартириш, меҳнат сарфини тежаш, иш вақтининг беҳуда кетишини камайтириш, маблағлар айланишини тезлаштириш, хизмат кўрсатиш ҳажмини ўстириш, ишлар сифатини яхшилаш ва бошқа натижаларни ўзида акс эттиради.

Корхоналарда абсолют (мутлак) самарадорлик харажатлар ва ресурсларнинг айрим турлари билан солиштириш (таққослаш) орқали аниқланади.

Абсолют самарадорлик харажатлар ва ресурсларнинг айрим турларидан фойдаланиш даражасини аниқлашда ва баҳолашда қулланилади. У миллий иқтисодиёт бўйича, тармоқлар, корхоналар, капитал қурилиш объектлари бўйича аниқланади.

Абсолют самарадорликни аниқлаш харажатлар ва ресурслар самарадорлиги даражасини, самарадорликнинг асосий йиғимларини акс эттирувчи дифференцияланган кўрсаткичларини асосланади. Бундай кўрсаткичларга ишлаб чиқаришнинг ёки унда тайёрланадиган маҳсулотнинг, бажариладиган ишнинг, кўрсатиладиган хизматнинг меҳнат сиғими, материал сиғими, фонд қайтими, фонд сиғими, капитал сиғими кабилар киради.

Меҳнат сиғими – бу маҳсулот, иш ва хизматлар бирлигига сарфланган харажат миқдоридир.

Амалиётда меҳнат сиғимини бошқача маъносини билдирувчи меҳнат унумдорлиги кўрсаткичидан фойдаланилади.

Меҳнат унумдорлиги — ишчининг муайян вақт ичида маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш қобилиятидир.

Ишлаб чиқаришнинг материал сиғими — маҳсулот (иш ёки хизмат) бирлигига кетадиган ва унда ифодаланадиган моддий ресурслар (хомашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, сотиб олиннадиган бутловчи буюмлар ва ярим фабрикатлар, ёқилғи ва энергия) ялпи сарфини тавсифловчи кўрсаткичдир.

Фонд қайтими ва фонд сиғими кўрсаткичлари ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш ва хизмат)лар ҳажми билан асосий ишлаб чиқариш фондлари ўртасидаги алоқани акс эттиради.

Миллий иқтисодиёт миқёсида асосий ишлаб чиқариш фондларидан олиннадиган самара даражаси ишлаб турган асосий фондларнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган миллий даромад ёки ижтимоий маҳсулотни, фонд сиғими эса ишлаб чиқарилган миллий даромад ёки жами ижтимоий маҳсулотнинг бир сўми ҳисобига асосий фондлар қийматининг қанчаси тўғри келишини тавсифлайди.

Корхона хўжалик фаолияти самарадорлигининг умумлаштирувчи мезон сифатида интеграл кўрсаткич – рентабеллик кўрсаткичи

(аванслаштирилган капиталнинг даромадлилиги) ҳисобланади. Уни қуйидаги формула асосида ифодалаш мумкин:

$$R = \Pi : A$$

Бу ерда:

**R** - рентабеллик, **У** корхона хўжалик фаолиятининг натижасини фойда шаклида кўрсатади ва фоизларда ўлчанади;

**Π** - корхонанинг соф фойдаси;

**A** - авансланган капитал(асосий ва айланма).

Фойда ва аванслашган капитал нисбатининг катталашини меҳнат, молиявий, ва моддий ресурсларидан ҳамда замонавий технологиялардан унумлироқ фойдаланишни аниқлатади. Айнан шулар ишлаб чиқариш ҳажми ва харажатлари, маҳсулот (иш ва хизмат)лар баҳосига таъсир кўрсатади. Минимал харажатлар билан юқори сифатли маҳсулот (иш ва хизмат) ишлаб чиқариш йўлга қўйилган корхоналарда ресурслар самарадорлиги юқори бўлади.

Ҳар қандай жамиятда корхоналар фаолиятидаги мувофақиятлар ва мувоффақиятсизликларнинг ташқи ва ички омилларга боғлиқ. Сиёсий ва иқтисодий нобарқарорлик, инфляцион жараёнлар ва давлат молия механизмидаги бузилишлар корхоналарнинг инқироз ҳолатига тушишидаги асосий омиллар ҳисобланади.

Корхона иқтисодиётинининг барқарор ривожланишининг асосий йўналишлари:

- молиявий ҳолатни мустаҳкамлаш – ликвидлик ва пул маблағлари ҳаракатини бошқариш, тўлов қобилияти, активларни бошқариш сифатини яхшилаш, қарздорлик муносабатларини тартибга солиш, рентабеллик кўрсаткичларини бошқариб туриш;
- ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятининг барқарорлиги – ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши, бир маромда маҳсулот ишлаб чиқариш ва иш бажариш, товар бозорида рақобатбардош бўлиш;

- ресурс билан таъминланиш барқарорлиги – керакли ҳажмда ресурслар билан таъминланиш, моддий-техника ва бошқа захираларни шакллантириш;
- ишлаб чиқариш-техник базасини барқарорлаштириш – иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳолда асосий ишлаб чиқариш фондларини ўстириш, улар ҳолатини сақлаш( булар корхона рақобатбардошлигини таъминлайди);
- мунтазам равишда инвестицион дастурини амалга ошириш (ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва инновацияларни жорий қилиш ва ҳоказо).

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, “самарадорлик” нисбий тушунча бўлиб, ўз моҳиятига кўра мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория ҳисобланади, у бир ёки бир неча мезонлар асосида аниқланади ва ҳар доим корхоналарнинг асосий мақсадини – истеъмолчилар талабини қондириш орқали юқори фойда олишини тавсифлайди.

## **II-боб. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. Хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги**

Хизмат кўрсатиш соҳасининг меҳнат ресурслари – жамиятда фаолият юритаётган меҳнат ресурсларининг бир қисмидир. Иқтисодийнинг ривожланиб бориши асносида хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган хизматчилар сони кўпайиб боради. Бу табиий ҳол. Унда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг асосий қисми мутахассислардир. Уларнинг ярмидан кўпроғи олий ва ўрта махсус маълумотга эга. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи соҳада ўртасидаги фарқлардан бири ана шунда.

Ҳозирги пайтда миллий иқтисодийда банд бўлган ходимлар таркибида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлган аҳолининг ҳиссаси йилдан-йилга ортиб бормоқда(3-жадвал).

Ўрганилаётган даврда хизмат кўрсатиш соҳасига оид аксарият тармоқларда банд бўлган аҳолининг иқтисодийда жами банд бўлганлар таркибидаги улуши ўсиш тенденциясига эга: савдо ва умумий овқатланишда – 2,0 фоизга, УЖКХ ва маиший хизмат кўрсатишда – 0,4 фоизга, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминотда – 0,4 фоизга ошган.

2012 йилда УЖКХ ва аҳолига ноишлаб чиқариш туридаги маиший хизмат кўрсатиш тармоғида – 433.0 минг киши, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминотда – 924.0 минг киши, маориф, маданият, спорт, фан ва илмий хизмат кўрсатиш тармоғи – 1643.0 минг киши, савдо, умумий овқатланиш, моддий-техника таъминоти ва тайёрлов тармоғида – 1330,0 минг киши<sup>20</sup> фаолият кўрсатишган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган аҳоли сонининг ўсишга, бу соҳа хизматларига бўлган талабнинг ошиши ва янги иш ўринларининг яратилиши билан боғлиқ.

---

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2013, 61 бет.

**Ўзбекистон миллий иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг  
тармоқлар бўйича таркиби<sup>21</sup>**

**(жами банд аҳоли сонига нисбатан, фоизда)**

т/р	Тармоқлар	2005й.	2010й.	2011й	2012й
1.	Саноат	13,2	13,2	13,1	13,0
2.	Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	29,1	26,9	27,2	26,7
3.	Транспорт ва алоқа	4,8	5,2	5,2	5,2
4.	Қурилиш	8,3	9,2	9,2	9,3
5.	Савдо ва умумий овқатланиш	8,9	10,7	10,8	10,9
6.	УЖКХ ва маиший хизмат кўрсатиш	3,1	3,4	3,5	3,5
7.	Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	7,2	7,7	7,6	7,6
8.	Маориф, маданият, спорт ва фан	13,6	13,8	13,7	13,4
9.	Молия, кредит ва суғурта	0,5	0,6	0,6	0,5
10.	Бошқалар	11,3	9,3	9,1	9,9

Хизмат тармоқларига жалб этилганлар — янги ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш характериға эға бўлган меҳнатға жалб қилинади.

“Охирги йилларда ривожланган давлатларда аралаш иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳаси тез ва жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда ўта ривожланган давлатларда ушбу соҳада 50 %дан кўпроқ меҳнат ресурслари банд ...”<sup>22</sup>. АҚШда хизматлар соҳаси башоратларға кўра “... яқин ўн йил ичида янги иш жойларининг 90 %ни таъминлаши лозим”<sup>23</sup>.

Ўзбекистон Республика Президенти И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни биртараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида: “Бизнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизда ...

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, 2013,62 бет.

<sup>22</sup> Файзиев Э.С. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантиришда тутган ўрни. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари.(монография) –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008, 18 бет

<sup>23</sup> Ўша манба, 12 бет.

хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қандай катта аҳамият берилаётганини яна бир бор такрорлашнинг ҳожати йўқ<sup>24</sup>, деб таъкидлашнинг замирида аҳоли бандлигини таъминлашда мазкур соҳанинг роли ётади, албатта.

Маълумки, Ўзбекистонда аҳолининг ўсиш суръати аксарият давлатларга нисбатан юқори. Аҳолининг иш билан бандлиги масаласи доимо энг муҳим ва ўткир масалалардан бири бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб турибди. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида давлат эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш, турли имтиёзлар ва преференциялар тақдим этиш йўли билан хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда иқтисодиётни индустриалаштиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Бундай интилишлар ўз самарасини бермоқда, жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида янги корхоналар пайдо бўлишига, мавжудларининг эса янада ривожланишига олиб келмоқда.

Ҳозирги шароитда хизматларга бўлган талаб тобора ошмоқда, жумладан, социал характерга эга бўлганларига. Социал турдаги хизматларга талабларнинг ўсиши хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат ресурсларини жамлашни талаб қилади. Аҳолининг юқори сифатли медицина хизматига бўлган талабини қондиришга, соғлигини ҳимоя қилишга, беморларни даволаш ва касалликларнинг олдини олишга соғлиқни сақлаш ходимлари масъулдирлар.

Ижтимоий меҳнатнинг мазмуни ва характерининг ўзгариши, аҳоли машғул бўлган касблар таркибидаги силжишлар сабабли миллий иқтисодиётнинг юқори малакали кадрларга бўлган талабининг ўсиши ўз навбатида махсус ўқув юртларининг ташкил этилишини, амалдагиларининг кенгайтишини талаб қилади. Бу билан таълим соҳаси – аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашади. Фаннинг янада ривожланишини, унда аҳоли бандлигини ўстиради.

Аҳолининг интеллектуал, маънавий ва маданий эҳтиёжларини қондиришга маданият ва санъат соҳалари ходимлари даъват қилинган.

---

<sup>24</sup> И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни биртараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: “Ўзбекистон” 2009, .



Социал соҳада илм ва фан ютуқларини қўллаш – ходимларни ижодий ишлар билан боғлиқ бўлмаган, ёрдамчи ишлардан озод этади. Айти пайтда меҳнат жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш социал соҳа ходимларининг меҳнати сифатини яхшилашга ёрдам беради. Шунинг таъкидлаш лозимки, социал соҳада, хусусан, соғлиқни сақлашда фан техника тараққиёти таъсирида медик мутахассислиги бўлмаган ходимлар ҳам фаолият юритишмоқдалар: инженерлар, биологлар ҳамда медицина ускуналарига қарайдиган ишчилар.

Социал хизмат кўрсатувчи тармоқларда меҳнат ресурслари ўзига хос хусусиятларга эга:

-бу соҳада олий ва ўрта махсус мутахассисларнинг бўлишлиги;

-ходимларининг демографик тузилиши миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлариникидан – ходимлар таркибида эркак мутахассисларга нисбатан аёл мутахассисларнинг кўпроқ бўлишлиги, соҳада қари кишиларнинг кўпроқ ишлаши билан фарқ қилади;

-соҳада қўшимча меҳнат кучининг ишлатилишига эҳтиёж бўлишлиги сабабли унда ўриндош ишлайдиган ходимларнинг кўп бўлишлиги

Социал хизмат кўрсатувчи соҳа ходимларининг меҳнати жамиятдаги жами меҳнатнинг бир қисмидир. У ижтимоий фойдалидир.

Социал хизмат кўрсатувчи тармоқлар фаолияти натижаларига таъсир этувчи асосий омил – меҳнатдир. Социал соҳа сермеҳнат талаб қилинадиган соҳадир. Шу сабабли ҳам бундаги харажатлар таркибига иш ҳақининг ҳиссаси миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлариникига нисбатан анча юқоридир.

Соҳада моддий ва меҳнат ресурсларининг нисбати фонд блан қуролланиш даражасини акс эттиради.

Ноишлаб чиқариш фондлари соҳада хизматлар сифатини яхшилашнинг муҳим омили ҳисобланади. Замонавий ижтимоий соҳа объектларининг ишга туширилиши хизмат кўрсатиш шароитини яхшилади ва хизматни истеъмол

килувчилар учун кўлайликлар туғдиради. Бундай объектларни ишга тушириш катта моддий ва молиявий ресурсларни талаб қилади.

Социал хизмат кўрсатиш тармоқларида меҳнатнинг натижалари бевосита ва охириги натижалар кўринишида бўлади. Меҳнатнинг охириги (пировард) натижаси соҳа ходимлари фаолиятининг таъсири остида шаклланадиган шахснинг хислатларида ёки ижтимоий ҳаёт хусусиятларда акс этади. Медицина ходимлари меҳнатининг якуний натижаси беморнинг соғлигида, ўқитувчи меҳнатининг якуний натижаси ўқувчи билимида намоён бўлади. Демак, социал соҳа ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этади.

Пировард натижага эришиш ҳар бир одамнинг ёки жамиятнинг аниқ эҳтиёжи қондирилганидан дарак беради. Соҳадаги меҳнат фаолияти айнан шунга қаратилгандир.

Социал хизмат кўрсатиш тармоқлари ходимларининг меҳнати аниқ мақсадларга йўналтирилган бўлсада, айрим ҳолларда, меҳнатнинг якуний натижалари ходимлар ҳаракати билан боғлиқ бўлмайди. Масалан, одам соғлигининг ҳолати нафақат унга хизмат кўрсатадиган медицина ходимлари фаолияти билан, айни пайтда, генитек омиллар, меҳнат шароити ва яшаш тарзи билан боғлиқдир. Ўқувчининг билими эса нафақат ўқитувчи меҳнатидан, шунингдек, бошқа шарт-шароитлардан, жумладан, ўқувчининг фаоллигидан боғлиқдир. Демак, социал соҳа ходимлари пировард натижаларга эришишга бевосита ҳисса қўшсаларда, бу натижани тўлиқ шакллантира олмайди. Якуний натижаларга табиий шароит ва бошқа объектив омиллар ҳамда одамларнинг фаоллиги таъсир кўрсатади.

Социал хизмат кўрсатиш тармоқлари ходимларининг меҳнати бевосита натижаларга эришишга имконият, шароит яратиб беради. Бу имконият ва шароитлар ўзига яраша меҳнат натижаларидир. Масалан, медик фаолиятининг бевосита натижаси беморни операция қилишда ёки уни эмлашда кўринади.

Пировард натижанинг бевосита натижадан фарқи шундаки, у хизматни истеъмол қилувчи шахсни эмас, балким бажарилган ишнинг фойдалилигини тавсифлайди. Бундай ҳолатда пировард ва бевосита меҳнат натижалари бири-биридан фарқ қилмайдигандек туйилади. Аммо, бундай эмас. Соҳада меҳнат натижаси буюм кўринишида эмас, балким фойдали самара кўринишида бўлади.

Сифат ва миқдор нуқтаи назаридан фойдали самара – меҳнат сарфидан фарқ қилади. Бу қуйидаги мисолда кўринади. Спектаклни тайёрлаш ижодий жамоадан бир неча ой мобайнида катта меҳнат сарфлашни талаб қилади. Бу меҳнатнинг фойдали самараси томашабинларга спектакл намоиш этилганидан сўнггина юзага келади. Сарфланган меҳнатга баҳо беришда, албатта, саҳналаштирилган асар иштирокчилари сонини эмас, балким томошабинлар сони эътиборга олинади. Иқтидорли ва яхши ташкил қилинган меҳнат жамоаси, ўрта миёна жамоага нисбатан, юқори даражадаги фойдали самарага эришиши мумкин.

Демак, сарфланган меҳнат ва фойдали самара бир хил нарса эмас экан. Биринчиси ишчи кучининг амал қилишини акс эттирса, иккинчиси амалга оширилган ҳаракатларнинг истеъмолчиларга таъсирини акс эттиради.

Шундай қилиб, социал соҳа ходимлари меҳнат фаолияти фойдали самара шаклида бевосита меҳнат натижаларини яратади. Етарли даражада шароит бўлганда бевосита натижалар талаб даражасидаги пировард натижаларни беради.

Социал хизмат кўрсатиш тармоқларида меҳнат натижаларини баҳолашда, меҳнат самарасини тавсифлайдиган натурал кўрсаткичлардан фойдаланилади. Масалан, олий ўқув юртларини нечта ёш мутахассислар тугатди, спектакл ёки концертда бўлган тамошабинлар сони ва ҳоказо.

Айрим ҳолларда социал хизмат кўрсатиш соҳа ходимининг меҳнати натижаси бир вақтнинг ўзида бир нечта кўрсаткичда тавсифланиши мумкин. Масалан, даволаш поликлиникаси ишининг бевосита натижалари бир томондан унга мурожаат қилган беморлар сони билан, иккинчи томондан эса

даволаш муолажаларининг ўтказилиши сонига қараб баҳоланади. Худди шу каби ўқув юртларида ўқиётган ўқувчи сони ҳамда уларни битирган ёш мутахассислар сони билан фаолияти баҳоланади. Албатта, бу кўрсаткичлар орасида даволанган беморлар, ўқув юртларини битирган ёш мутахассислар сони пировард натижага эришилганини тавсифлайди ва улар муҳимдир.

Натурал кўрсаткичларга оддийлик ва кўргазмалилик (наглядность) хосдир. Маълум давр оралиғида, турли ҳудудларда ёки мамлакатларда эришилган натижаларни баҳолашда натурал кўрсаткичлар анча қўлайдир. Аммо бу кўрсаткичларда айрим камчиликлар мавжуд. Хусусан, барча натурал кўрсаткичларни бир бири билан таққослаш мумкин эмас. Шу сабабли амалаётда нисбий ва меҳнат натижаларини ўлчашда энг универсал бўлган пул кўринишидаги кўрсаткичлар кенг қўлланилади.

Социал хизмат кўрсатиш соҳасининг моддий-техника базаси – бу жамият аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш ва уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитдир.

Соҳада моддий ва меҳнат ресурсларининг нисбати фонд билан қуролланиш даражасини акс эттиради.

Ноишлаб чиқариш фондлари соҳада хизматлар сифатини яхшилашнинг муҳим омили ҳисобланади. Замонавий социал соҳа объектларининг ишга туширилиши хизмат кўрсатиш шароитини яхшилади ва хизматни истеъмол қилувчилар учун қўлайликлар туғдиради. Бундай объектларни ишга тушириш катта моддий ва молиявий ресурсларни талаб қилади.

## **2.2. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлиги таҳлили**

Замонавий бозор иқтисодиёти тадбиркорликка асосланган иқтисодиётдир. Тадбиркорлик – бу маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш орқали даромад олишга қаратилган фаолиятдир. Тадбиркорлик – бу қонуний йўл билан фаолият кўрсатиб жамият аъзоларига наф келтириш ва тегишли даромад олишни кўзлаб иш юритиш демакдир. Тадбиркорлик – бу моддий ва молиявий ресурсларни амалда хўжалик оборотиغا киритиб,

даромад топишга йўналтирилган иқтисодий фаолиятдир. Тадбиркорлик – бу фақатгина катта даромадга эга бўлиш эмас, балки яратувчанлик фаолияти воситасида даромад (фойда) олишдир.

Ҳозирги даврда тадбиркорлар гуруҳи таркибида моддий неъматлар ишлаб чиқарувчилар ва бу неъматларни истеъмолчиларга етказиб берувчилар (савдо ходимлари) билан бир қаторда интеллектуал мулк соҳиблари (ақлий-ижодий меҳнат билан шуғулланувчи кишилар) ҳам киради. Буларнинг барчаси бир-бири билан узвий боғлиқдир. Агарда тадбиркорлик инновация фаолияти билан омукта қилиб олиб борилса (янги техника-технологияни жорий этиш йўлга қўйилса) иқтисодий ўсиш юқори бўлади.

Маълумки, фойда ўз-ўзидан келмайди. Фойда олиш олиш учун албатта харажат қилмоқ зарур. Шу сабабдан ҳам корхоналарнинг фаолиятига баҳо беришда ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган хизмат, бажарилган иш хажми, уларга қилинган сарф-харажатлар ва фойда тушунчаларидан фойдаланилади.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида фойданинг ҳосил бўлиши иккита поғонадан иборат:

- фойда хизмат кўрсатиш жараёнида янги қийматнинг яратилиш чоғида юзага келади. Яратилган янги қиймат тарихидаги қўшимча қиймат фойданинг асосий манбаи бўлади. Аммо, бу ҳали фойда кўринишида эмас;
- хизмат кўрсатиш жараёнида ҳосил бўлган фойда хизмат қилингандан сўнг олинган пул тушуми (даромад) билан харажатларнинг фарқи кўринишида бўлади.

Бундан кўриниб турибдики, фойданинг асосий манбаи қўшимча қиймат ҳисобланади. Хизматлар сотилганда уларнинг қиймати даромадга ва ундаги қўшимча қиймат эса фойдани ҳосил қилади.

Фойда кўрсаткичи корхоналарнинг ўз тассаруфидаги ресурслардан фойдаланишни тўла ва ҳар томонлама акс эттиради. Унинг ўсиши хизматлар

таннархининг пасайишига, улар сифатининг ошишига, хизмат кўрсатиш ҳажмининг кўпайишига ҳамда бозордаги нархга боғлиқ бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, корхоналар фаолиятида “самара” тушунчаси, нафақат, фойда кўрсаткичига, айти пайтда, бошқа кўрсаткичларга – хизматлар таннархининг пасайишига, хизматлар сифатининг ошишига, хизмат кўрсатиш ҳажмига ҳам тааллуқлидир.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятининг ўсиб бориши ички бозорда уларга бўлган талабнинг ортиб бораётганидан дарак беради.

4-жадвал

2000-2010 йилларда аҳолига кўрсатилган чакана савдо хизматлари ҳажми таҳлили<sup>25</sup>

(млрд.сўм)

т/р	Кўрсаткичлар	2005й.	2010й.	2011й.	2012й.
1	Республика бўйича	5577,4	21872,8	28539,0	36946,4
2	Шу жумладан Самарқанд вилоятида	423,5	1683,0	2208,5	3030,1

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, республика бўйича чакана савдо айланмаси 2012 йили 2005 йилга нисбатан 6,6 баробарга, Самарқанд вилояти бўйича эса 7,2 баробарга ўсган. Демак, Самарқанд вилояти бўйича бу кўрсаткичнинг ўсиши республика даражасидагига нисбатан 0,6 баробарга юқори.

Таҳлиллар далолат берадики, Самарқанд вилоятида аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми таҳлили 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 1,8 баробарга ортган (5-жадвал). Ўсиш барча пуллик хизмат турларида кузатилади. Хизматнинг алоқа, маданий, жисмоний тарбия ва спорт ҳамда санатория-курорт ва соғломлаштириш турлари бўйича хизматлар ҳажми 2 баробардан ортиқ.

Аҳолига кўрсатилаётган маиший хизматлар ҳажмининг республикада, айтиқса Самарқанд вилоятида узлуксиз ошиб бориши аҳоли даромадининг

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, 2013, 140 бет.

Самарқанд вилоятида 2010-2012 йилларда аҳолига кўрсатилган пуллик  
хизматлар ҳажми таҳлили

(млн.сўм)

т/р	Пуллик хизмат турлари	2010 йил <sup>26</sup>	2012 йил <sup>27</sup>	2012 йил 2010 йилга нисбатан.
1	Маиший	64629,0	115184,1	178,2
2	Транспорт	219581,3	306834,3	139,7
3	Алоқа	68545,9	199636,9	291,2
4	Уй-жой коммунал хўжалиги	114236,2	215315,7	188,5
5	Маданий	9743,7	21818,3	223,9
6	Сайёҳлик	9478,8	15484,3	163,4
7	Жисмоний тарбия ва спорт	6771,2	15737,5	232,4
8	Санатория-курорт ва соғламлаштириш	439,9	1110,7	252,5
	Жами	493426,0	891121,8	180,6

кўпайиши ҳамда ихтисослашган маиший хизмат кўрсатиш объектларининг барпо этилиши билан боғлиқдир.

Хизмат кўрсатиш соҳасида ўз фаолиятини фойда билан, айрим ҳолларда эса зарар билан яқунлаган корхоналар учраб туради.

Ҳозирги замонавий бозор иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш корхоналари учун нормал фойданинг бўлиши талаб қилинади. Чунки, фойда уларни фаоллаштиради ва бозорга хизматларнинг кириб келишини таъминлайди. Шу сабабли бозорнинг муттасил керакли хизматлар билан тўйиниши учун нарх ҳеч бўлмаганда нормал фойда олишни таъминлаши зарур.

Хизмат кўрсатиш корхоналари фойдасининг миқдори бир қанча омилларга боғлиқ:

- хизматлар нархининг даражасига. Унинг ортишига мос равишда фойда ҳам ортади;

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, 2012, 167 бет

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, 2013, 166 бет

- маблағларнинг айланиш тезлигига. Хизматлар истеъмолчилар талабига мос бўлса, улар тез сотилади ва маблағлар айланиши жадаллашади, иш ҳажми ортади, фойданинг умумий миқдори ҳам кўпаяди;
- харажатларининг миқдорига. Фойда миқдори харажатга нисбатан тескари ўзгаради – харажат камайса, фойда ортади ва аксинча.

Хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар фойдасини максималлаштиришга интилади. Бу эса истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатишни, керакли хизматлар билан уларнинг кўнглини олишни талаб қилади.

“Фойда – бу мураккаб иқтисодий категориялардан бири ҳисобланади. У асосан қўшимча қийматни яратиш ва ишлатиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди”<sup>28</sup>.

Хизмат кўрсатиш корхоналари фойдаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 феврал 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»да белгилаб берилган усуллардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида фаолият фойдалилиги даражасини англаувчи кўрсаткич – рентабеллик кўрсаткичи ишлатилади. У корхоналар фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларидан биридир. Фойдалалик хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятининг маълум муддати (йил, чорак) давомида сердаромадлик (зарар келтирмаслик) хусусиятини англатади.

Рентабеллик кўрсаткичи корхоналар фаолиятининг пировард натижаларини тўғри баҳолашга ва улардаги мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишнинг иқтисодий манфаатдорлигини йўлга қўйишга имкон беради.

<sup>28</sup> Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: Фан, 2005, 226-бет.



Хизмат кўрсатиш корхоналарининг самарали ривожланаётганлигига баҳо беришда рентабелликнинг бир қатор кўрсаткичларидан фойдаланилади. Уларни ҳисоблашда фойданинг абсолют миқдори маълум бир базалар билан таққосланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар йили чоп этилиб келинаётган “Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами”да иқтисодиётнинг барча тармоқлари рентабеллигини ҳисоблашда кўйидагилар база сифатида олинган:

-асосий воситалар, номоддий активлар ва моддий айланма маблағларнинг ўртача қиймати;

-сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) таннархи.

Рентабелликнинг барча кўрсаткичлари корхонанинг барқарорлигини аниқлашга, фаолияти самарадорлигини оширишга ва бозордаги рақобат бардошлигини кўтариш бўйича тадбирларни белгилашга хизмат қилади.

6-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, жами иқтисодиёт бўйича асосий воситалар, номоддий активлар ва моддий айланма маблағларнинг ўртача қийматига нисбатан аниқланган рентабеллик кўрсаткичи, умуман олганда, 2012 йили 2010 йилга нисбатан маълум бир даражада ўсган. Айнан шу объектларга нисбатан ҳисобланган рентабеллик кўрсаткичи савдо ва умумовқатланиш тармоғида 2,9 баробарга, моддий-техника таъминоти ва сотиш тармоғида 20,0 баробарга ортган. Хизмат кўрсатиш соҳасининг коммунал хўжалиги ҳамда алоқа тармоқларида мавжуд моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш даражаси кониқарли даражада эмаслигидан далолат беради.

Хизмат кўрсатиш корхоналари оладиган фойданинг миқдори ички ва ташқи омилларга боғлиқ. Ички омилларга янги техника ва технологияларни жорий этиш, хўжалик юритиш даражаси, раҳбарият ва менежерларнинг билимдонлиги (омилкорлиги), хизматларнинг рақобатбардошлиги ҳамда

меҳнатни ташкил этиш даражаси киради. Корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган ташқи омилларга бозор конъюнктураси, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий-техник ресурсларнинг нархи, амортизация нормалари, солиқ солиш тизими ва бошқалар.

Янги бозор муносабатлари шароитида хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳар бир корхона фойдани кўпайтириш тадбирларини режалаштириши ва амалга ошириши лозим. Бундай тадбирлар, бизнинг фикримизча, қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

- у ёки бу хизмат бўйича монопол ўринни эгаллашга (жозибадор, сифатли хизмат кўрсатиш орқали) эришиш;

- доимо ўзгарувчан конъюнктурга қараб янги хизмат турларини истеъмолчиларга таклиф қилиш;

- хизматлар ҳажмини ўстириш;

- хизматлар сифатининг жаҳон стандарти даражасида бўлишига эришиш;

- ортиқча ускуналар ва бошқаларни сотиш ёки ижарага бериш;

- корхона тассаруфидаги моддий ва молиявий ресурслардан, ишчи кучи ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш асосида хизматлар таннархини пасайтириш;

- хизматлар таркибини диверсификациялаш;

- хизматлар кўрсатиш доирасини кенгайтириш ва бошқалар.

Хизмат кўрсатиш корхоналари ўз фаолиятларини ташкил этиши ва юритиши давомида ички ва ташқи омилларни ҳамда давлат юритаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни эътиборга олишлари мақсадга мувофиқдир (1-4 иловалар).

## 2010-2012 ЙИЛЛАРДА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ РЕНТАБЕЛЛИГИ

т/р	Тармоқлар	2010 йил <sup>29</sup>			2012 йил <sup>30</sup>		
		Даромад солиғи тўлангунга қадар фойда, зарар (-)		маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) сотишдан тушган ялпи фойда, зарар (-)нинг сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) таннаригига нисбати	Даромад солиғи тўлангунга қадар фойда, зарар (-)		маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) сотишдан тушган ялпи фойда, зарар (-)нинг сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) таннаригига нисбати
		асосий воситалар, номоддий активлар ва моддий айланма маблағларнинг ўртача қийматига нисбатан	сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) таннари		асосий воситалар, номоддий активлар ва моддий айланма маблағларнинг ўртача қийматига нисбатан	сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) таннари	
1	Жами иқтисодиёт бўйича	11,8	16,1	37,7	12,5	15,1	39,5
	Шу жумладан:						
1.1	Транспорт	17,7	45,1	72,0	16,6	50,0	80,8
1.2.	Алоқа	-0,3	-0,8	78,1	-27,5	-86,9	102,6
1.3.	Моддий-техника таъминоти ва сотиш	2,1	0,9	9,2	41,9	7,6	11,6
1.4.	Тайёрлов	0,3	0,8	8,2	1,7	0,6	13,7
1.5.	Савдо ва умумовқатланиш	22,7	7,5	16,5	65,5	10,6	20,6
1.6.	Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	33,6	16,7	62,3	15,4	5,7	35,9
1.7.	Уй-жой хўжалиги	0,4	0,3	10,6	5,5	3,0	45,8
1.8.	Коммунал хўжалиги	-4,6	-12,5	10,1	-8,6	-19,9	-3,4

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2012, 194 бет.

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2013, 194 бет.

### **2.3. Социал хизматлар самарадорлигининг ўзига хос жиҳатлари**

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим шарти – ишларнинг сифатини ва самарадорлигини оширишдир. Бу социал соҳа тармоқларига ҳам бевосита таааллуқли. Соҳа ходимлари мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиши, жумладан, меҳнат фаолиятини такомиллаштириш нуқтаи назардан кундалик вазифаларни бажаришлари лозим.

Социал хизмат кўрсатиш тармоқлари тараққиётининг самарадорлиги, авваламбор, миллий иқтисодиётдаги ўрнига мувофиқ баҳоланиши зарур. Демак, бу соҳанинг ишлаб чиқаришни ўстиришга, халқнинг фаравонлигини оширишга ва шахснинг ҳар томонлама мукамал бўлишига таъсирини эътиборга олиш керак.

Социал хизмат кўрсатиш тармоқлари тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришнинг ўсишига таъсир этади. Фан ва таълим мамлакатнинг илмий-техник имкониятларини шакллантиришда бевосита иштирок этишади. Илмий изланиш ишларнинг натижаларини янги техникада, технологияда, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг замонавий усулларида, меҳнат унумдорлигининг ошишида кўришимиз мумкин. Бу миллий иқтисодиёт тараққиётида фаннинг нақадар аҳамиятлилигидан далолат беради.

Таълим соҳаси – илмий билишни кенг тараққий эттиришга, аҳолига умумтаълим беришга, фан-техника тараққиёти талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади. Ишчилар малакасининг ошиши меҳнат унумдорлигини кўтаришга ва шу асосда ялпи ички маҳсулот ва миллий даромадни ўстиришга сабаб бўлади.

Моддий ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга социал соҳанинг бошқа тармоқлари тараққиёти ҳам таъсир қилади. Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасининг ютуқлари касалликларнинг ва ўлимнинг камайишига, ишлаб чиқаришда иш вақтини йўқотиш ҳолатларини пасайтиришга кўмак беради. Бу эса ўз навбатида миллий даромадни ўстиришда муҳим омил ҳисобланади.

Социал хизмат кўрсатиш тармоқлари тараққиётининг миллий иқтисодиёт даражасидаги самарадорлиги бевосита ва билвосита самара кўринишида бўлади. Бевосита самара социал соҳанинг кўрсатган хизматлар миқдори ва сифатида ўз ифодасини топса, билвосита самара социал соҳанинг моддий ишлаб чиқаришга таъсири остида яратилган қўшимча моддий бойликнинг миқдори ва сифатида кўринади.

Социал хизмат кўрсатиш тармоқлари хизматларининг билвосита самараси нафақат социал соҳа ходимлари меҳнатидан, шунингдек, соҳа хизматларини истеъмол қилувчилар фаолияти билан ҳам боғлангандир.

Социал хизмат кўрсатиш соҳасининг муҳим тармоғи бўлмиш – таълимда харажатларнинг билвосита самараси учта босқичдан иборат эканлиги илмий асосланган. Биринчи босқич – бу таълим соҳаси ходимларининг меҳнат жараёнидир, унинг натижаси бевосита самара сифатида кўрсатилган хизматларда акс эттирилади. Иккинчи босқич – талабалар ва ўқувчиларнинг билим олиш ва хунар ўрганиш жараёнини ифода этади, учинчи босқич – бу олинган билимни ва ўрганилган хунарни ишлаб чиқаришда ишлатиш, амалга тадбиқ этишдан иборат.

Биринчи ва иккинчи босқичлар қисман бир вақт ичида кечади, учинчи босқич эса билим олиш ва хунар ўрганишдан кейингина рўй беради. Юқори самарага эришиш учун учала босқичлардаги жараёнлар оқилона боғланган ҳолда кечиши лозим.

Илмий изланиш ишлари харажатлари самарасини худди шу босқичларга бўлган ҳолда шакллантириш мумкин. Биринчи босқич – илмий изланиш ишлари жараёнидан иборат бўлиб, бунда билим ошади. Иккинчи босқич – илм ютуқларини тадбиқ этиш, яъни янги ускуна ёки технологияни яратиш, учинчи босқич – яратилган техника ёки технологиядан ишлаб чиқаришда фойдаланиш. Охирги босқич билвосита самарага эришишни таъминлайди ва фақат шу босқичдагина олдинги босқичларда қилинган харажатлар қопланади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда ишлаб чиқариш соҳаси ва социал соҳани мувофиқлаштириш ўта муҳимдир.

Социал хизмат кўрсатиш соҳада меҳнат инсонга, унинг ижтимоий онгига ва одамлар ўртасидаги муносабатга таъсир этади. Шунинг учун бу соҳа ижтимоий самарадорлиги нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эгадир.

Социал соҳа хизматлари харажатларининг ижтимоий самараси инсоннинг жисмоний ва маънавий такомиллашишида, ижтимоий муносабатларнинг тараққиётида ва шахснинг турмуш тарзида гавдаланади. Буни аҳоли соғлигининг мустаҳкамланиши ва маданий даражасининг ўсишида кўриш мумкин. Бошқача айтганда ижтимоий самара ижтимоий соҳа ходимлари фаолиятининг таъсири остида шахснинг шаклланиши ва ижтимоий ҳаётдаги хислатларининг ижобий ўзгаришида ёққол кўринади.

Социал соҳа хизматларининг ижтимоий самарасини бевосита пулда ифодалаш, одатда, мумкин эмас, аммо, билвосита самарасини пулда ифода этиш мумкин. Соҳа фаолияти натижасида эришилган билвосита самаранинг пулда ифодаланиши иқтисодий самарадорлик дейилади.

Социал соҳа хизматлари самараси – бу социал омиллар асосида кўшимча моддий бойлик ишлаб чиқариш, ресурсларни тежаш ва харажатларни қисқартириш рўй бериши ҳисобланади. Бу соҳа фаолиятининг иқтисодий самарасидир.

Иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик социал соҳанинг барча тармоқларига хосдир. Аммо, айрим тармоқлардаги менат жараёнларининг мазмунига кўра самарадорлик мезонлари ўзига хос кўринишларда бўлади: соғлиқни сақлашда медицина самарадорлиги, таълимда – педагогик ва ҳоказо.

Социал соҳа тармоқлари тараққиётининг миллий иқтисодиёт даражасидаги самарадорлигини баҳолаш ўта мураккаб ва масъулиятли вазифа ҳисобланади. Уларнинг самараси билвосита бўлиб, улар моддий ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга хизмат қилади. Билвосита самара

кўпинча фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига тааллуқли бўлиб, улар илмий-техника тараққиётига ижобий таъсир этадилар.

Таълим соҳасининг самарасини турли даражадаги билимга эга ишчиларнинг меҳнат кўрсаткичларини бир бирига таққослаш йўли билан аниқлаш мумкин. Масалан, ўрта маълумотга эга ишчи билан соҳа юзасидан махсус маълумотга эга ишчининг меҳнат натижаларини таққаслайдиган бўлсак, табиийки, иккинчиси биринчисига нисбатан юқорироқ меҳнат натижаларига эришганини кузатиш мумкин.

Олий маълумотли муҳандис билан ишчи меҳнат кўрсаткичларини таққослаш умуман мумкин эмас. Чунки, юқори даражадаги малакага эга мутахассиснинг меҳнат натижалари нафақат миқдор кўринишида, айти пайтда, сифат жиҳатидан ҳам, меҳнат мазмунида ҳам фарқ қилади.

Илмий изланиш ишларининг самарасини баҳолашда яратилган янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида эришиладиган барча ресурсларнинг умумий тежалиш ҳажми асос бўлади. Меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларнинг тежалиши миллий даромаднинг ўсишида муҳим омил ҳисобланади. Илмий изланиш ишларининг самараси янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этгунга қадар жорий қилингандан кейин натижаларни таққослаш йўли билан аниқланади.

Фундаментал илмий изланиш ишлари самарасини ҳисоблаш анча мураккаб.

Соғлиқни сақлаш соҳасининг билвосита самараси ишчилар касалланишининг камайиши натижасида иқтисодий йўқотишларнинг пасайиши билан боғлиқдир.

Касаллик камайишининг иқтисодий натижасини баҳолаш учун бартараф этилган вақт йўқотилишини бир вақт бирлигида ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорига кўпайтириш зарур. Шу асосда ишлаб чиқарилган қўшимча маҳсулот ҳажмини аниқлаш мумкин. Бунга касаллик даражасининг юқори пағонасига кўтарилганида беморларни даволаш учун сарфланиши мумкин бўлган дори-дармон қиймати ва бошқа харажатларни

кўшиб касаллик жамиятга қанчалик зарар келтириши мумкинлигини билиб олиш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, медицина тадбирларини амалга ошириш натижасида аҳоли саломатлигининг яхшиланиши социал соҳа хизматлари самарадорлигининг бир кўринишидир.

Социал соҳа хизматлари самарадорлик кўрсаткичлари – илмий назарияда ва амалиётда яратилган самарадорликни аниқлаш тартибининг умумий тамойиллари асосида шаклланади. Соҳа тармоқлари корхона ва муассасаларининг хизмат кўрсатиши оммавий кўринишга (характерга) эга эканлиги ва уларни амалга ошириш шароитлари ўзаро яқинлашиши уларда меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш (ўлчаш)га реал имконият яратади.

Социал хизматнинг ҳар бир тармоғида бир хил типдаги корхона ва муассасаларга мос бўлган ўзига хос самарадорлик кўрсаткичлар тизими мавжуд. Улар корхона ва муассасаларни аниқ вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажаришда мавжуд ресурслардан фойдаланишга ундайди. Бу энг долзарб ҳисобланади.

Меҳнатдан самарали фойдаланиш кўрсаткичларига олий мактабнинг битта ўқитувчисига қанча талаба ва илмий тадқиқотчи тўғри келиши, битта АРМ ходимига қанча китоб берилиши, поликлиниканинг битта врачига нечта бемор мурожаат этганлиги ва ҳоказоларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Айрим социал соҳаларда хизмат кўрсатиш контингентининг қисқариши ижобий самара кўрсаткичи ҳисобланади. Масалан, битта врачга тўғри келадиган беморлар сонининг камайиши.

Соҳа ташкилот, корхона ва муассасаларида моддий-техника базасидан қанчалик оқилона фойдаланишини билиш учун хизматлар ҳажмининг бир сўмлик асосий фондга тўғри келшига ёки асосий фонд қувватидан фойдаланишига ва ҳоказоларга қараб билиш мумкин. Масалан, театрларда залларнинг тамошабинлар билан тўлдирилиш даражаси – жойлар 100 фоиз ва



унга яқинроқ бўлса асосий фонддан тўлиқроқ фойдаланаётганидан дарак беради.

Социал соҳа тармоқлари фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари тизимида самара бирлигига тўғри келадиган барча ресурслар харажатини акс эттирувчи кўрсаткичлар алоҳида ўрин эгаллайди. Масалан, битта мутахассисни тайёрлаш учун қилинган харажатлар, шифохоналарда бир йилда битта койкани сақлашнинг ўртача қиймати ва ҳоказо.

Соҳанинг ташкилот, корхона ва муассасалари фаолияти самарадорлигини хизмат бирлигига қилинган ҳақиқий харажатини норматив билан солиштириш орқали ҳам аниқлаш мумкин.

Соҳадаги тижорат корхоналарининг самарадорлик кўрсаткичи – рентабелликдир.

Соҳа тармоқларининг иш сифати кўрсаткичлари турли туман. Улар тармоқларнинг хусусиятларига боғлиқдир. Масалан, соғлиқни сақлашда у ёки бу касалликнинг олдини олиш мақсадида аҳолини эмлашга қамраб олиш доираси, нотўғри қўйилган ташхизлар ҳиссаси, амалга оширилган операциялар умумий сонига нисбатан асорат қолдирган операцияларнинг ҳиссаси ва ҳоказо.

Соҳанинг айрим тармоқларидаги иш сифати эксперт баҳолаш йўли билан аниқланади. Масалан, умумтаълим мактабларида, коллежларда ва олий мактабларда ўқитувчилар дарсининг сифати назорат ходимлари томонидан, спектаклларга бадиий баҳо эса театрнинг бадиий кенгаши томонидан баҳоланади.

Социал хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолияти сифатига баҳо беришда улар хизматидан фойдаланувчи шахсларнинг асосли шикоятлари ҳам манба ҳисобланади.

Социал соҳа тармоқлари ишининг сифатини кўтаришда уларни керакли миқдорда моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар билан таъминлаш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, соҳа тармоқлари иш сифати ходимлар сонига ҳам

боғлиқ: 1000 одамга нечта врачнинг, битта ўқитувчига нечта ўқувчининг тўғри келиши ва ҳоказо.

Аҳолига муносиб турмуш шароити – уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш орқали яратилади. Бу социал хизматлар самарадорлигининг ошиши демакдир. Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳатларнинг мазмун моҳияти ҳамда мақсади ҳам шунда.

Жамиятни модернизациялаш шароитида социал соҳа хизматларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, уларга мос бўлган кўрсаткичлар тизимини шакллантириш – иқтисодиётимизнинг юксалишида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

### **III боб. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

#### **3.1.Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари**

Мамлакатда иқтисодий ислохотларни амалга оширишдан мақсад фуқароларга муносиб турмуш шароитини яратишдир. Бунга эришиш учун аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш лозим бўлади. Шундагина мамлакатда умумий ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади.

“Иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳаси тобора катта рол ўйнамоқда.Биз ўтган йилнинг бошида 2013-2016-йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастурини тасдиқладик. 2013-йилда хизмат кўрсатиш бўйича 13 мингдан ортиқ корхона, жумладан, савдо-маиший комплекслар, минибанклар ва суғурта компаниялари филиаллари ва бошқа корхоналар ташкил этилди.

2013-йил якунларига кўра, кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 2000-йилдаги 37 фоиздан 53 фоизга ўсди.

Бу рақам ва кўрсаткичлар мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тараққий топган кўпгина давлатлар даражасига тобора яқинлашиб борапти, деб айтишга асос беради”<sup>31</sup>.

Хизмат кўрсатиш соҳалари ишлаб чиқариш тармоқларида яратилган маҳсулот (товар)ларни истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган хизматларни кўрсатади. Бундай хизмат турларидан бири савдо хизматидир.

Мамлакатимизда “Супермаркет” типигаги йирик чакана савдо корхоналари кенг тарқалмоқда. Уларда ҳам катта миқдорда товарлар бўйича

<sup>31</sup> Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. //”Халқ сўзи”, 2014 йил. 18 январь

битимлар амалга оширилмоқда. Бу эса улгуржи ва чакана савдо функцияларининг уйғунлашиб кетишига олиб келмоқда. Супермаркетлар улгуржи савдонинг муайян функцияларини бажарувчи йирик омборларга ҳам эга бўладилар.

Мамлакатда ижтимоий ҳимояга йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислохатларга мос равишда халқнинг фаровонлик даражасини белгиловчи уй-жой коммунал хўжалиги тизимида янги иқтисодий бошқарув механизмини такомиллаштириш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам уй-жой коммунал хўжалигидан фойдаланишда эркин иқтисодий фаолият олиб боровчи ва мулкдорлар бирлашмалари томонидан бошқарувчи хўжалик субъектларини ташкил этиш, уй-жой фондларидан фойдаланишга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини координация қилиш, уларни монополиядан чиқариш ва ушбу соҳада турли хизмат кўрсатувчилар ўртасида рақобатни ривожлантириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Республикада уй-жой фондларидан фойдаланишни бозор талабларига мувофиқ ҳолда ташкил этиш мақсадида уй-жой мулкдорларининг ширкатлари ташкил этилди. Бундай ширкатларини ташкил этиш орқали мулкдорларнинг ҳуқуқлари тўла ҳимоя қилинади. Энг муҳими ушбу соҳада шартномавий муносабатларга ўтиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш орқали бозор муносабатларига мос келувчи ва аҳолининг иқтисодий манфаатларига қаратилган хусусиятлар:

-фуқароларда мулкка эгалик ҳисси ўйғонади;

-уй-жой хўжалигида бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи юридик ташкилотларни шакллантириш орқали уларни бошқаришда маҳаллий ҳокимиятлар аралашуви чекланади;

-мулкдорларда жамоа бошқарувида иштирок этиш кўникмалари шаклланади;

-хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан бевосита шартномалар асосида муносабатда бўлиш ва хизмат сифатини назорат қилиш имконияти пайдо бўлади;

-уй-жой фондидан фойдаланиш харажатлари таркибини таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлади;

-жамоа маблағидан мақсадли ва тежамли фойдаланишни ташкил қилиш ва бошқа имкониятлар яратилади.

Уй-жой ва коммунал хўжалик ижтимоий-маданий мажмуанининг энг йирик тармоқларидан бири бўлиб, аҳолининг турмуш даражаси баркамоллигини яратишнинг асосий мезони ҳисобланади. У ўз навбатида бир неча тармоқлардан иборат: газлаштириш, сув билан таъминлаш, оқова сув, иссиқлик билан таъминлаш, кўча ва хиёбонларни тозалаш, меҳмонхоналарга коммунал хизмат кўрсатиш, кўча ва хиёбонларни электрлаштириш, кабристонларни тартибли сақлаш ва ҳоказо.

7- жадвал

**Аҳолининг уй-жой билан таъминланганлиги кўрсаткичлари<sup>32</sup>**

(ка.метр 1 та яшовчига)

	2005 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Республика бўйича	14,5	15,0	15,0	15,0
Шу жумладан Самарқанд вилоятида	14,0	14,1	14,0	14,0

7-жадвалда келтирилган рақамлар далолат берадики республика худудида аҳолининг уй-жой билан таъминланганлик миқдори ўсиб бормоқда. Бундай жараён Самарқанд вилоятига ҳам хосдир. Вилоятда 2005 йили 1та яшовчига 14,0 кв. метр уй-жой тўғри келган бўлса бу кўрсаткич 2012 йилгача ўзгармай келмоқда. Айни пайтада вилоят аҳолисининг уй-жой билан таъминланиш миқдори республика бўйича ўртача кўрсаткичдан биров бўлсада паст.

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси., 2013, 75 бет

Хизмат кўрсатишнинг яна бир муҳим соҳаларидан бири аҳолига маиший хизмат кўрсатиш сифати ва даражасини ошириш, уларнинг турлари ва сонини кўпайтиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига караганда маиший хизмат кўрсатиш корхоналари сони (ателье ва устахоналарни қўшган ҳолда) 2005 йил охирига 11,8 мингга бўлган, 2012 йил охирига келиб 8,6 минггани ташкил этган ёки бу даврда улар сони 3,2<sup>33</sup> минггага камайган. Бундай ҳолатни маиший хизмат кўрсатувчи корхоналарни йириклаштириш жараёнининг кетаётгани билан изоҳлаш мумкин.

Кузатишлар далолат берадики Самарқанд вилоятидаги шаҳарлар, туман марказлари ва бошқа аҳоли пунктларида янги ательелар, пойафзал таъмирлаш устахоналари, гўзаллик салонлари ва сартарошхоналар, кийимларни кимёвий тозалаш, суратхоналар, маиший техникаларни таъмирлаш марказлари ва прокат хизматлари сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Лекин, аҳолига сифатли маиший хизмат кўрсатиш ва уларнинг турларини кўпайтириб аҳоли талабини қондириш, шу блан бирга, энг асосийси, аҳолини бандлик даражасини кўпайтириш мақсадида, бизнинг фикримизча, қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

-жойлардаги “Маиший хизмат” уюшмалари туман (шаҳар) меҳнат бўлимлари билан ҳамкорликда ҳар бир маҳаллада асосий маиший хизмат кўрсатиш турларига бўлган талабни ўрганиб чиқиб, унинг рўйхатини маҳаллий бошқарув органига тақдим этиш;

-“Маиший хизмат” уюшмалари маҳаллаларда талаб этилган маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ташкил этиш бўйича аниқ таклифларни туман (шаҳар) ҳокимлигига киритиш ва уларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни кўриш.

---

<sup>33</sup>Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси., 2013, 168 бет.

Иқтисодий таракқий этган давлатларда аҳолининг турмуш даражаси нафақат моддий, айна пайтда, номоддий хизматлар миқдorigа кўра ҳам белгиланади.

Хизматларнинг муҳим турларидан бири – таълим мамлакатнинг илмий-техник имкониятларини шакллантиришда иштирок этади. У илмни ва билимни кенг таракқий эттиришга, аҳолига умумтаълим беришга, фан-техника таракқий талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади.

Ҳозирги дунё ўзининг постиндустриал даврига ўтди. Юқори даражада ривожланган давлатлар интеллектуал меҳнат натижалари ҳисобига жаҳон бозорида етакчи ўринни эгалламоқда. Бугунги кунда у ёки бу мамлакатнинг салоҳияти нима ишлаб чиқариш билан эмас, балки фан ва таълимнинг ҳолати билан белгиланади.

Таълимнинг жамият ривожланишига таъсири кўп қиррали:

- инсон ресурсининг ривожланиши таъминланади;
- меҳнат ресурслари етиштирилади;
- жамиятда юксак ахлоқли муҳит яратилади, ёшларни ва барча аҳолини ишчанликка йўналтиради;
- жамиятнинг интеллектуал даражасини оширади.

Ўзбекистон таълимни ислоҳ қилишнинг дунё амалиётига таянган ҳолда, иқтисодий имкониятлардан келиб чиқиб ўзининг миллий моделини яратди.

Амалга оширилаётган ислоҳатлар ёшларнинг олий таълим олиши ва хунар ўрганишига бўлган интилишини янада оширди. Буни мамлакатда талабаларнинг ҳамда ўқув юртлари сонининг ортиб боришида кўриш мумкин.

Мутахассислик олиш, касб эгаси бўлиш доимо қадрли бўлган, бироқ янги иқтисодий-ижтимоий шаротда бундай сифат инсонни жамиятда ўз ўрнини топишда муҳим омил ҳисобланади.

Ҳар қандай жамиятда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари орасида таълим соҳасида етакчи бўлиб келган ва шундай бўлади ҳам.

8-жадвал

### Самарқанд вилоятида таълим муассасалари<sup>34</sup>

(ўқув йили бошига)

т/р		2005/2006	2010/2011	2010/2012	2012/2013
1	Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари	88	172	172	174
2	Академик лицейлар	7	14	14	14
3	Касб-хунар коллежлари	81	158	158	160
4	Олий ўқув юртлари	6	6	6	6

Мамлакатимизда йилдан-йилга аҳолининг ўсиб бориши таълим муассасалари хизматига талабни ортишини тақозо этади. Шу сабабли, 2012/2013 ўқув йили 2005/2006 ўқув йилига нисбатан ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари сони 86 тага, академик лицейлар сони 7 тага ва касб-хунар коллежлари сони 79тага кўпайган. Табиийки бундай ҳолат ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжнинг ортишини тақозо этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, таълим муассасалари сонининг ортиши ижобий ҳолат. Аммо, уларда фаолият юритаётган ўқитувчиларга муносиб шароит ўта долзарб ҳисобланади.

9-жадвал малумотаридан кўришиб турибдики, вилоят касб-хунар коллежларига касб йўналишлари бўйича қабул тузилиши ўзгариб бормоқда. Сўнги уч йилда, умумий қабул қисқарган бир шароитда, хизмат кўрсатиш йўналишига талабалар қабули 629 тага ёки 23,7 фойизга, инженерлик, ишлаб чиқариш ва қурилиш тармоқлари йўналишига 1596 тага ёки 5,7 фойизга кўпайган. Хизмат кўрсатиш, инженерлик, ишлаб чиқариш ва қурилиш тармоқлари йўналиши бўйича қабулнинг кўпайиши ҳозирги пайтда мамлакатимизда хизматлар соҳасини ўстиришга ва иқтисодиётни

<sup>34</sup>Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2012, 95,101,103,106 бетлар.



9-жадвал

**Самарқанд вилоят касб-хунар коллежларига талабалар қабули<sup>35</sup>**  
(ўқув йили бошига)

т/р	Йўналишлар	2010/2011	2011/2012	2012/2013
1.	Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогик билим	8345	7314	6756
2.	Санъат	489	666	613
3.	Ижтимоий билимлар, бизнес ва ҳуқук	12506	12707	10567
4.	Инженерлик, ишлаб чиқариш ва қурилиш тармоқлари	28091	29094	29687
5.	Қишлоқ ва сув хўжалиги	3440	4480	5447
6.	Соғлиқни сақлаш	8764	7949	6566
7.	Хизмат кўрсатиш	2652	3115	3281
	<b>Ж а м и</b>	<b>64287</b>	<b>65325</b>	<b>62917</b>

индустриаллаштириш борасида олиб борилаётган сиёсат билан боғлиқдир. Бундай ҳолат олий таълим тизимида ҳам кузатилади.

Иқтисодий ислоҳатларнинг устувор йўналишларидан бири қишлоқ хўжаги корхоналарини ўз маҳсулотларини қайта ишловчи ва истеъмол бозорига тайёр маҳсулот етказиб берувчи субъектларга айлантиришдир. Шундай экан олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарга мутахассислар тайёрлаш энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Кейинги йилларда Самарқанд вилоят касб-хунар коллежларига виночилик технологияси, сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини консервалаш технологияси йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ барча йўналишлари бўйича, жумладан, чарм ишлаб чиқариш, гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича кадрлар

<sup>35</sup> Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари

тайёрлашга эътиборни кучайтириш, бизнинг фикримизча, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга аҳолига номоддий хизмат кўрсатишнинг бошқа тармоқлари тараққиёти ҳам таъсир қилади. Соғлиқни сақлаш тармоғининг ютуқлари касалликларнинг ва ўлимнинг камайишига кўмак беради. Бу эса ўз навбатида миллий даромадни ўстиришда муҳим омил ҳисобланади.

10-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимининг асосий кўрсаткичлар<sup>36</sup>**

(йил охирига)

т/р		2005й.	2010й.	2012й.
1	Шифохона муассасалари сони	1149	1158	1225
2	Шифохоналардаги ўринлар сони:	-	-	-
2.1.	минг бирлик	142,4	139,6	138,3
2.2.	10 000аҳолига	54,1	47,9	46,1
3	Аҳолига амбулатория-поликлиник ёрдами кўрсатувчи муассасалари сони	5507	5993	6389
4	Амбулатория-поликлиник муассасаларининг қуввати, бир сменада қатновлар сони, минг	401,7	422,5	424,3
5	Врачлар сони (барча мутахассислар бўйича), минг	76,5	79,9	81,3
6	10 000 одамга тўғри келадиган врачлар сони	29,1	27,4	27,1

10-жадвал маълумотлари мамлакатимизда тиббий хизмат соҳасида бир канча ўзгаришлар рўй бераётганидан дарак беради. 2012 йили 2005 йилга нисбатан, шифохоналар сони ҳамда уларда фаолият юритаётган врачлар сони кўпайган. Бу даврда шифохоналардаги ўринлари сони 4,1 мингтага, 10 минг кишига ўринлар сони эса 8 тага қисқарган. Бундай ҳолат – касалликларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида даврий профилактика муолажа ишларининг олиб борилиши ҳамда аксарият беморларнинг амбулаторияларда даволанишлари мумкинлиги билан изоҳланади. Ўрганилаётган даврда аҳолига амбулатория-поликлиник ёрдами кўрсатувчи муассасалар сони, уларнинг қуввати (бир сменада қатновлар сони) кўпайиб борган.

<sup>36</sup> Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, 2012, 120-121 бетлар..

Аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг аҳамияти ва ролининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг тўғри олиб борилишига боғлиқ. Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг таълим, соғлиқни сақлаш ва маданият йўналишлари устувор деб белгиланган. Бу соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Кейинги йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги “2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-325 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада банкларнинг ресурс базаси кенгайиб, мустаҳкамланмоқда, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланмоқда. Шунингдек, банк хизматларининг янги турлари мижозларга таклиф қилинмоқда. Жумладан, мулк шаклидан қатъий назар барча корхоналарга лизинг кредити тақдим этилмоқда. Бундай кредит ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида катта салоҳиятга эга бўлган тармоқлардан бири туризмдир. У ижтимоий-иқтисодий ривожланишида жуда катта аҳамиятга эга. Туризм орқали дунёни билиш, бошқа мамлакатларнинг фаол аҳолисини бу ерларга жалб қилиш, мамлакат хазинасига валюта киритиш ва шу орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашда катта имкониятлар яратади.

Туризмнинг ривожланишига давлат сиёсати, реклама, умумий иқтисодий шароитлар, валюта курси, давлатлараро муносабатлар, рақобатбардошлар сони, туристик объектлар сони ва сифати, дам олиш, дам олиш жойларини хавфсизлиги ва аҳамияти каби омиллар таъсир кўрсатади. Айниқса давлат сиёсати ва мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар халқаро туризмнинг ривожланишида асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон туризм орқали ривожланиб кетиши мумкин бўлган давлатлардан биридир. Унинг табиий шароити, иқлими, ҳар хил тарихий

обидалари, тоғли ҳудудлари, манзарали жойлари туристларни жалб қиладиган омиллар ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда, жумладан, Самарқанд шаҳрида туристларга кўрсатиладиган сервис хизмати талаб даражасида эмас. Айрим тадқиқотларнинг хулосасига кўра Ўзбекистонга келган туристларнинг 60 фоизи бу ерга фақат сервис хизматининг пастлиги эвазига қайтиб келмаслигини билдирган<sup>37</sup>. Бу кўрсаткич сервис хизматини яхшилаш учун жуда кўп ишларни амалга ошириш лозимлигидан далолат бериб турибди. Бу йўналиш бўйича биринчи галда кадрлар масаласини ҳал қилиш лозим. Албатта бу бўйича айрим ишлар қилнди. Хусусан Самарқандда туризм коллежи очилди, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ташкил қилиниб унда сервис, туризмга оид бакалавр ва магистрлар тайёрлашга киришилди. Аммо, бу кенг кўламли туристик хизматлари учун етарли эмас. Бу соҳага кадрларни турли мулк шакллариغا эга бўлган ўқув юртлари тайёрлаши мақсадга мувофиқдир. Унда эркин рақобат вужудга келади ва ҳар бир ўқув муассасаси ўз кадрларининг рақобатбардошлигини таъминлашга ҳаракат қилади. Бу эса ўз навбатида, кадрлар тайёрлашнинг сифати ва самарадорлигининг ошишига асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бундай жараёнда тайёрланган кадрлар, табиийки, жуда кўп сифат кўрсаткичларига эга бўлади ва туризмда сервис хизматининг юқори даражага кўтарилишига асосий омил бўлади.

### **3.2.Хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини ошириш йўллари**

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаолияти зарур моддий ресурслар билан таъминланганлигидан боғлиқдир. Уларнинг етарли миқдорда, яъни белгиланган норматив миқдорида бўлмоғи лозим. Шу сабабли ҳам хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаолияти самарадорлигини оширишда моддий ресурсларни ташкил этиш ва уларни бошқариш алоҳида ўрин тутаяди.

---

<sup>37</sup> Файзиёв Ш. Основнқе направления развития туризма в Узбекистане.//Экономический вестник Узбекистана, № 3-4, 2004, 61 стр.

Янги бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳар қандай корхона ўзининг асосий мақсадига эришиш учун моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор берадилар. Чунки, шунинг натижасида улар ўз фойдаларини кўпайтиришга, оқибат натижада, фойдалилик даражасини оширишга эришадилар.

Хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланилаётган моддий ресурслар ҳар бир элементининг аҳамияти катта. Айрим ҳолларда моддий ресурсларнинг бирон бир элементи йўқлиги истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш имкониятини чеклаб қўяди, айрим ҳолларда эса корхона фаолиятининг умуман тўхтаб қолишига сабаб бўлади. Қиёсий қарайдиган бўлсак, меҳнат предметлари электр қувватлари ва бошқалар мавжуд бўлмаса хизмат кўрсатиш доираси ҳам чекланади.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида меҳнат предметларига бўлган талаб корхоналар томонидан мустақил равишда режалаштирилади. Улар бозор талабларини, эҳтимол тutilган шерикларнинг имкониятларини ўрганиш, нарх-навонинг ўзгариш тўғрисидаги ахборот асосида ўз ишлаб чиқаришининг таъминотини, бозорларда (товарлар, хизматлар, молия бозорларида) монополияга қарши қонунларнинг талабларини назарда тутган ҳолда бевосита ёки воситачи орқали олди-сотдини амалга оширади.

Моддий ресурслардан самарали фойдаланиш натижасида хизматларнинг ўртача харажатлари ёки таннархлари пасаяди. Бунинг натижасида корхоналарнинг соф фойдалари ортади.

Шуни таъкидлаш лозимки, корхоналарда хизмат кўрсатиш режасининг бажарилиши, хизматлар таннархининг пасайиши, фойда ва рентабелликнинг ошиши, уларнинг белгиланган ассортиментда ва сифатли моддий ресурслар билан таъминланишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам корхоналар ўз фаолиятининг самарали ривожланишини таъминлаш мақсадида узок муддатга мўлжалланган бизнес режаларига асосланган ҳолда моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини аниқлашга ва таъминлашга алоҳида эътибор берадилар. Юқорида қайд этилганидек, моддий ресурсларнинг ўз

вақтида олиб келинмаслиги ёки етказиб берилмаслиги, ёки йўқлиги корхоналар тўхтаб қолишига олиб келади.

Моддий ресурслар билан ўз вақтида, зарурий миқдорларда ва белгиланган сифатда ҳамда бир маъромда таъминланиши, шу билан биргаликда, улардан оқилона фойдаланиш пировардида корхоналарнинг иқтисодий ривожланишига ва тараққий этишига ҳар томонлама таъсир этади.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида моддий бойликлардан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, хўжасизликка қарши курашиш, хизматлар таннархида моддий харажатларнинг улушини камайтириб бориш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Жумладан, моддий ва меҳнат ресурсларини тўғри, тежамли сарфлаш миллий иқтисодиётни янада ривожлантиришда, аҳолининг моддий фаровонлигини оширишда муҳим омилдир.

Ҳозирги пайтда корхоналар тасарруфидаги барча ресурслардан тежамли фойдаланиш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароита янада долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида "... қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш.

... таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизминини ишлаб чиқиш ..."<sup>38</sup> вазифа этиб белгиланган.

Бу вазифаларни ҳал этишда, яъни мавжуд моддий ресурслардан тежамли фойдаланиш учун, хизмат кўрсатиш корхоналаридан қуйидагиларга изчиллик билан ёндошишлари талаб қилинади:

- моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ ўзгаришларни ўз вақтида тегишли ҳужжатларда расмийлаштириш;

<sup>38</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 32 бет.

- моддий бойликларни жойлашда уларни тўғри сақланиши устидан назорат олиб бориш;
- моддий–техник таъминоти режасининг бажарилиши устидан назорат олиб бориш;
- моддий буюмларни сарфлаш нормасига риоя қилиш устидан назорат олиб бориш;
- ички ресурсларни ишга солиш мақсадида ортиқча ва фойдаланилмаётган моддий буюмларни аниқлаш ва сотиш.

Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида, жумладан, хизмат кўрсатиш корхоналарида моддий ресурсларга бўлган эҳтиёж нормалаштириш асосида аниқланади.

Нормалаштириш тизими бир неча ўн йиллардан бери қўлланилиб келинаётир ва у ўзини тўлиқ оқлади.

Моддий ресурсларни нормалаштириш — иқтисоий ва молиявий ишларнинг муҳим буғинларидан биридир. Нормалаштириш — бу моддий ресурсларнинг ҳар бир элементида оптимал миқдорда маблағ қўйишдан иборатдир. Иқтисодий жиҳатдан асосланган нормалаштириш бўлмас экан хўжалик оборотида маблағлар оқилона жойлаштирилмайди. Айрим активларга кўпроқ, айримларига эса камроқ маблағлар қўйилиши мумкин. Оқибатда моддий ресурсларнинг самарадорлиги пасайиб кетади.

Моддий ресурсларни нормалаштириш орқали уларнинг доиравий айланишини тўғри ва оқилона ишлатилиши таъминланади. Нормалаштириш корхоналарнинг моддий ресурсларда қатнашаётган ўз маблағлари билан қарзга олинган маблағларни оптимал боғлашда муҳим аҳамиятга эга.

Моддий ресурсларни нормалаштириш орқали маблағларнинг доиравий айланишини тўғри ташкил этишга, уларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда моддий ресурсларнинг ҳар бир элементида корхона ўз маблағининг оқилона жойлаштирилиши таъминланади.

Иқтисодий жиҳатдан асосли қўйилган, белгиланган нормативлар моддий ресурсларни ташкил этишда муҳимдир, чунки моддий ресурсларга қўйилган

маблағларнинг ҳажмидан ишлаб чиқариш корхоналарида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш боғлиқдир.

Моддий ресурсларни нормалаштириш ҳар бир корхонада улардан тўғри фойдаланиши устидан доимий равишда назорат қилиб туриш учун катта аҳамиятга эгадир. Уларни нормалаштириш тижорат ҳисобини мустаҳкамлашнинг ҳамда корхона молиявий аҳволининг барқарорлигини таъминлашнинг шартларидан биридир.

Моддий ресурслардан самарали фойдаланиш хизмат кўрсатиш корхоналарининг муҳим вазифаларидан биридир. Улардан қанча яхши фойдаланилса хизматлар ҳажми шунчалик юқори бўлади.

Шу сабабли ҳам корхоналар ўз мақсадларига муваффақиятли эришиш учун ишлаб чиқаришни моддий ресурслар билан таъминлаш жараёнининг бажарилишига алоҳида эътибор берадилар. Улар аниқланган, яъни, хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган моддий ресурсларнинг янги турлари мавжудлигини ҳамда уларнинг жаҳон бозорида таклиф қилинганлиги ўрганишади. Ва ўзлари учун зарур бўлган моддий ресурсларининг яхшилари, яъни самаралисини олишга ҳаракат қиладилар.

Корхоналар моддий ресурслар маркетингини, яъни бозорини ўрганиш билан биргаликда уларни қайси бозор инфратизимларидан сотиб олиш мумкинлигини белгилайдилар. Сўнгра товар ва хомашё биржалари, сотувчилар томонидан ташкил этилаётган кўргазмалар ҳамда хом ашё, материаллар ва бошқа моддий ресурсларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ўзлари билан бевосита алоқаларни ўрнатадилар. Натижада моддий ресурсларни етказиб берувчилар билан қисқа муддатли ҳамда узок муддатли, айрим ҳолларда эса бир марталик кучга эга бўлган шартномалар тузилади. Бу шартномаларда моддий ресурсларни етказиб берувчиларнинг бурчлари, вазифалари батафсил акс эттирилади.

Шартномаларда у ёки бу моддий ашёларни қайси муддатларда, қандай ҳолатда, қаерга ҳамда қандай баҳоларда етказиб беришли акс эттирилган.



Корхоналар айрим ҳолатларда моддий ресурсларни олиб чикиб кетишни ўз зиммасига олган ҳолатлар бўлади. Бундай ҳолларда моддий ресурслар унинг баҳоси нисбатан арзон бўлади. Чунки моддий ресурсларнинг корхонагача тўла-тўқис етиб келишига жавобгарликни сотиб олувчи (хизмат кўрсат кўрсатувчи корхона) зиммасида қолади. Корхоналарда материал етказиш режасининг бажарилиши доимий равишда таҳлил эти борилиш ва режанинг бажармаганлик сабабларини батафсил аниқлаш талаб этилади. Режанинг бажарилмаслигига сабаб бўлиб материал ресурсларини етказиб берувчилар ҳамда уларни сотиб олувчилар, айрим ҳолларда эса ўртада тўрган бозор инфратизимлари бўлиши мумкин. Бу сабаблар ўрганилганидан сунг уларни бартараф этиш режалари тузилиши мақсадга мувофиқдир.

Моддий ресурслардан самарали фойдаланишни йўлга қўйишда иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти каттадир. Корхонада моддий ресурслардан қай даражада фойдаланилаётганлигини таҳлил этиш натижасида истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматларга сарфланаётган харажатларни тежаш мақсадида фойдаланилмай қолган ички имкониятларни топиш мумкин.

Хизмат кўрсатиш корхоналари ўз фаолиятини яхшилаш учун мавжуд узоқ муддатли ва жорий активлардан самарали фойдаланишлари зарур.

11-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш тармоқларининг айримларида аванслаштирилган капиталнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган фойда миқдори жами иқтисодиёт бўйича ўртача миқдордан анча юқори. Жумладан, савдо ва умумовқатланиш тармоғида узоқ муддатли ва жорий активларнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган фойда жами иқтисодиёт бўйича ўртача миқдордан 2010 йилда 1,9 баробарга, 2012 йилда эса 5,1 баробар юқори бўлган.

Ўрганилган йилларда алоқа ва коммунал хўжаликларида мавжуд моддий ва номоддий ресурслардан фойдаланиш самараси – зарар билан яқунланган. Бундай ҳолат, бизнинг фикримизча, кейинги йилларда алоқа ва коммунал хўжаликларининг катта миқдорда замонавий асбоб-ускуналар билан

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш корхоналари узоқ муддатли ва жорий активларининг ўртача ҳар бир сўмига тўғри келадиган фойда, зарар<sup>39</sup> (-)**

(сўм)

	Тармоқлар	2010 йил	2012 йил
	Жами иқтисодиёт бўйича	0,12	0,13
	Шу жумладан:		
	Транспорт	0,18	0,17
	Алоқа	-0,003	-0,28
	Моддий-техника таъминоти ва сотиш	0,02	0,42
	Тайёрлов	0,003	0,02
	Савдо ва умумовқатланиш	0,23	0,66
	Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	0,34	0,15
	Уй-жой хўжалиги	0,004	0,06
	Коммунал хўжалиги	-0,05	-0,09

жиҳозланганлиги ва улардан 3-4 йилдаёқ юқори самара олиш имкониятининг чекланганлиги билан боғлиқ.

Иқтисодий муносабатларнинг эркинлаштирилиши шароитида корхоналарнинг моддий ресурслар билан таъминланганлигини ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил этишда куйидагиларга эътибор қаратиш ўта зарур ҳисобланади:

- корхоналарнинг зарурий моддий ресурслари билан таъминланганлик даражасини аниқлаш;
- моддий ресурсларни корхонага етказиб бериш хажмини, комплекслилиги, сифатлилиги, сортлилиги ҳамда маромийлигининг даражасини белгилаш;
- моддий ресурсларни етказиб бериш борасида корхоналараро тузиладиган шартномаларнинг ўз вақтида тузилганлигини аниқлаш;
- моддий техника таъминоти белгиланган режасининг ҳақиқатга яқинлигини текшириш;
- транспорт тайёрлов харажатларини ҳисоблаш;
- материаллардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлаш

<sup>39</sup> Мазкур жадал муаллиф томонидан . Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2012 ва 2013 йилларда чоп этган “Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами” (194 бетдаги) маълумотлари асосида тузилди..

ва уларнинг кўрсатилаётган хизматлар ҳажмига ҳамда таннархига таъсирини миқдор жиҳатдан ҳисоблаш;

- фойдаланилмай қолган ички имкониятларини аниқлаш, таҳлил этиш ва бошқалар.

Қорхоналарда меҳнат предметларидан фойдаланишни таҳлил этишда уларнинг сарфланиши бўйича ўрнатилган меъёрий маълумотлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

#### **IV-боб. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА МЕҲНАТ ВА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

Ўзбекистонда аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлигини таъминлаш ва саломатлигини сақлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон табиий офатлар (ер силкиниши, ер силжиши, сел, сув тошқини ва ҳоказолар) тез-тез бўлишига мойил ҳудуд бўлганлиги сабабли ҳамда экологик мувозанатнинг бузилиши фуқаролар ҳаётини муҳофаза этиш, табиатни асраш ва турли офатлардан зарар кўрган ҳудудларда кутқариш-тиклаш ишларини олиб бориш ўта муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам, республика ҳудудига хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аврияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш ва тегишли чоралар кўриш зарур бўлади.

Ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларни излаб топиш, меҳнатни самарали ижодий фаолиятга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, тиббиёт соҳасига кадрлар тайёрлаш, аҳолининг меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида мажмуавий дастурлар амалга оширилмоқда. Натижада, юқумли, умумий хасталиклар ҳамда касб касалликларни профилактика қилиш, ташхизлаш ва даволашнинг энг янги усуллари ишлаб чиқаришга ва ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг таркибий қисми ҳисобланган хизмат кўрсатиш соҳаси айрим тармоқларида фаолият юритишаётган ходимларнинг маълум бир қисми ноҳуш ва зарарли меҳнат шароитида фаолият юритишмоқда. Бу эса ишга вақтинча қобилиятсизликка алоқадор касалликни келтириб чиқаради.

Республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатларнинг бош мақсади инсон манфаатларига қаратилган.

Ўзбекистонда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига оид ҳуқуқий асослар яратилган. Улар жумласига Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат кодекси” ва Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни киради.

Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат Кодекси”нинг 212-моддасида: “Меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ушбу Кодекс, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек техник стандартлар билан белгиланади”<sup>40</sup>, дейилган.

Корхоналарда ҳар бир ходимнинг Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат Кодекси” ва Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунга амал қилиши, ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини иш фаолиятида тўғри ҳал этиши, унинг шу соҳадаги билим ва малакасига боғлиқ.

Мамлакатимизда меҳнатни муҳофазаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» қонунига биноан (5-модда) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат қилиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунига кўра корхоналар ходимларнинг техника хавфсизлигини таъминлашлари, ходимлар ўртасида инструктажлар ўтказиб туришлари, уларни тегишли адабиётлар, плакатлар билан таъминлашлари, зарурий ҳолларда ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаши зарур. Ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатини муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлиши керак..

Хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, меҳнат жараёнида рўй берадиган хавфли ва зарарли омиллар устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва

---

<sup>40</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат Кодекси”. – Т.: Адолат, 1996, 98 бет.

назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасида.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли бўлган шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгиланган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномасида кўзда тутилган.

Корхона маъмурияти томонидан меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши юқори идора органлари, махсус давлат инспекцияси (Госэнергонадзор), прокуратура, шунингдек, касаба уюшма органлари ва уларнинг раҳбарлигидаги жамоатчилик назорат қилади.

Корхоналардаги касаба уюшма кўмиталари ҳузурида меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия ташкил қилинади. У меҳнат қонунчилигига, хавфсизлик техникасига ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоида ва нормалларга риоя қилишни текширади ва меҳнат муҳофазасига оид бўлган кўриқларда иштирок этади. Шунингдек, у ишчиларга инструктаж бериш ва хавфсиз ишлаш усуллариини ўргатиш сифатини, хатолар ва асбобларнинг тузуклигини, меҳнат муҳофазасига ажратилган маблағларни сарфланишини, бахтсиз ходисаларни тўғри ҳисобга орлинишини назорат қилади, ишлаб чиқариш травматизли ва касбий касалликлар сабабларини урганади ва маъмуриятга таклифлар киритади, ишчиларнинг махсус коржома, махсус оёқ кийими индивидуал ҳимоя воситалари сут, совун, сифатли ичимлик сув билан вақтида таъминланишини назорат қилади. Комиссия истаган вақтида иш ўринларини текшириши мумкин.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат инспектори бир йил муддатга сайланади. У меҳнат қонунчилигига риоя

қилинишини, инструктажнинг ўз вақтида ўтказилишини назорат қилади, станоклар асбоб-ускуналар, химояловчи қурилмалар бузуқлигини аниқлаш, чиқиндиларни ўз вақтида йиғиштириб олиниши, ўтиш жойлари ва иш ўринларида тартибга риоя қилинишини назорат қилиб туриши зарур, шунингдек, ишчилар махсус коржома, химояловчи воситалар, совун билан таъминланишини текшириб туриши зарур.

Корхоналарда касаба уюшма қошида меҳнат техникавий инспектори тайинланади. У меҳнат қонунчилиги бўйича ишларни назорат қилади. Янги қурилган корхона ва хоналар унинг ижозати билан фойдаланишга топширилади. У давлат назорати инспекциялари билан алоқада бўлади.

"Йул ҳаракати қоидалари" га риоя қилишни Давлат автоинспекцияси назорат қилади.

Электр қурилмалар, электр тармоқлар, буг қозонлари, электр станциялари, кишлоқ хужалиги корхоналаридаги кутариш-тушириш техникалари ишлаши ва уларга хавфсиз хизмат курсатиш қоидалари риоя қилишни Давлат энергия назорати инспекцияси назорат қилади.

Давлат санитария назорати Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Инсониятнинг ҳаёти ва иш жараёнида содир бўлиш эҳтимоли кўп бўлган ва катта талофат келтирадиган бахтсиз ҳодисалардан бири ёнғин ҳисобланади. Шунинг учун корхоналарда ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш, ёнғин содир этган ҳолларда уни ўчиришга мослашган асбобларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қонунлари ва кодексида қайд этилган.

Хизмат кўрсатиш корхоналари объектлари ёнғин муҳофазасини мустақамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади.

Хизмат кўрсатиш корхоналари мулкани ҳамда фуқароларнинг шахсий мулкани ёнғин ва портлашга олиб келадиган сабабларни йўқотишга

қаратилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга қарши кураш бошқармасининг вазифаси ҳисобланади.

Корхоналарда ёнғинга қарши кураш ишларини шу корхоналарнинг ёнғинга хавфлилик даражасига қараб, корхона маъмурияти белгилайди. Ёнғин чиқиш эҳтимоли юқори бўлган корхоналарда ёнғинга қарши кураш бўлими ташкил қилинади.

Қабул қилинган технологик лойиҳалашнинг амалдаги меъёрларига биноан технологик жараёнларнинг портлаш ва ёнғин хавфи бўйича корхоналар беш тоифага бўлинади (А, Б, В, Г ва Д).

«А» ҳамда «Б» тоифалар портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд корхоналардир.

«В» тоифасига фақат ёнғин хавфи мавжуд корхоналар киради. Улар «А» ва «Б» тоифаларида учрамайдиган ёнувчи суюқлик, чанг ва толалар, қаттиқ ёнувчи модда ҳамда материаллар мавжудлиги билан характерланади.

«Г» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материалларни иссиқ, чўғланган ёки эриган ҳолда ишлайдиган, иш жараёнида нурсимон иссиқлик ажраладиган учқун, аланга чиқиб турадиган, шунингдек, қаттиқ, суюқ ва газсимон ёқилғи ёқиладиган цехлар киради.

«Д» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материаллар совуқ ҳолатида ишлатиладиган цехлар киради.

Технологик жараёнларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги умумий тадбирлар амалга оширилади:

- хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;
- ускуна-мосламаларни тусикланган ҳолатда жойлаштириш;
- корхона биноларидаги қўлландиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг миқдорини камайтириш;
- ускуна, газ қувурларида, ҳаво алмаштириш тизимида ёнувчи моддаларнинг портлашга хавфли коицентрацияси ҳосил бўлишига йул қуймаслик;



- ёнувчи аралашмаларга ингибиторлар, инерт моддалар кушиш;
- ёнғин алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт мухитини яратиш;
- ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаш, узлуксизлигини таъминлаш;
- технологик ускуна ва коммуникацияларнинг герметиклигини таъминлаш ва жараёнда вакуум қўллаш;
- белгиланган технологик режимни аниқ бажариш, стандартларга амал килиш;
- технологик ускуналарни таъмирлаш, тузатишдан сўнг ва ишга туширишдан аввал сув буғи ёки инерт газ билан ишлаш;
- хавфли жойларда ўт манбаининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;
- ёнғин ва портлашнинг тарқалишига йўл қўймаслик;
- кўрик, синов, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишларини ўз вақтида олиб бориш, касб эгалари, мутахассисларни талабга мувофиқ танлаш.

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналаридаги ёнғин хавфсизлигини таъминлашга корхона раҳбарлари (ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб юрган кишилар) масъулдирлар.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича бажариладиган тадбирлар давлат бюджети, корхона, ташкилот, ҳомийлар ва бошқалар томонидан молиялаштирилади.

## Хулоса ва таклифлар

Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларини ўрганиш қуйидаги хулосаларни қилишга имконият берди:

1.Хизмат (жумладан, сервис) иқтисодий фаолиятнинг муҳим бир шакли. У моддий ва номоддий кўринишга эга бўлиб, аҳоли ва юридик шахслар эҳтиёжларини (талаб чегарасида) қондиришга қаратилган фаолиятдир.

2.Хизмат иқтисодий категория сифатида инсонлар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг моддий ҳамда номоддий тусдаги хизматларга бўлган эҳтиёжлари (талаби)ни қондиришда юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттиради.

3.Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, унинг турли хилдаги талабларини қондириш – муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аралаш иқтисодийнинг шаклланиши муносабати билан хусусий савдо-сотиқ хизмати ривожланиб бормоқда. 2012 йилда чакана товар айланмасида нодавлат савдосининг солиштирма хиссаси 99,8 фоизни ташкил этди.

2012 йилда чакана товар айланмаси умумий ҳажмида 73,8 фоиз шаҳар савдоси ва 26,2 фоиз қишлоқ савдоси улушига тўғри келади. Умумий овқатланиш корхоналари товар айланмаси мамлакат товар айланмасини умумий ҳажмининг 2,6 фоизни ташкил қилади. Аҳолига 2005 йилда 57,6 мингта чакана савдо корхоналари хизмат қилган бўлса 2012 йилда уларнинг сони 68,6 мингтага етди. Уларнинг хизмат қилиш усули ҳам ривож топди ва жаҳон андозаларига яқинлашмоқда. Бунинг асосий сабаби мулк шакллариининг ўзгаришидир.

Таҳлиллар далолат берадики, мамлакатимизда 2010-2012 йилларда чакана ва овқатланиш корхоналари товар айланмаси ўртача 26,5 фоизга ўсган. Овқатланиш корхоналариники, бу ўртача кўрсаткичдан, бироз юқори – 28,5 фоиз.

4.Таҳлил маълумотлари долалат берадики, мамлакатимизда пуллик хизматларнинг барча турлари ҳажми ўсиш тенденциясига эга. Айниқса уй-жой коммунал, халқ таълими, маданият, экскурсия ва саёҳат, соғлиқни сақлаш, санатория-курорт ва соғломлаштириш соҳаларида ўсиш юқори.

Иқтисодийнинг эркинлаштирилиши пулсиз хизматлар доирасининг қисқаришига, пуллик хизматларнинг эса кенгайиб боришига таъсир қилмоқда. Келгусида пуллик хизматлар – таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда янада кўпайиши мумкин.

Республикада аҳолига кўрсатилган пуллик хизмат ҳажми 2012 йилда 13614,4 миллиард сўмни ташкил этди ва аҳоли жон бошига 457,2 минг сўмдан ошди. Пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида давлат мулкининг салмоғи кўпроқ – 17,7 фоиз.

5. Хизмат кўрсатиш корхоналари маълум бир натижа (самара)га эришиб фаолият самарадорлигини оширишга интилишадилар. Самарадорлик – бу хизмат кўрсатиш натижаси билан унга эришиш учун сарфланган меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларнинг ўзаро нисбатидир.

Назарияда ва амалиётда корхоналар фаолияти самарадорлиги иқтисодий ва ижтимоий кўринишларга бўлинади. Бизнинг фикримизча, самарадорликни иқтисодий ва ижтимоий кўринишларга бўлиш рамзийдир. Чунки, корхоналар фаолияти натижасида эришиладиган самарани иқтисодий ва (маълум маънода) ижтимоий самара, дейилса мантиқга тўғри келади. Улар бир-бирини тўлдиради. Қайси корхонада ижтимоий самарадорлик юқори бўлса, шунга муносиб равишда, иқтисодий самарадорлик ҳам юқори бўлади. Бу аксиомадир.

6.Хизмат кўрсатиш корхоналарида фойда хизмат кўрсатиш жараёнида янги қийматнинг яратилиш чоғида юзага келади. Яратилган янги қиймат тарихидаги кўшимча қиймат фойданинг асосий манбаи бўлади. Хизмат

кўрсатиш жараёнида ҳосил бўлган фойда хизмат қилингандан сўнг олинган пул тушуми (даромад) билан харажатларнинг фарқи кўринишида бўлади.

Фойданинг асосий манбаи қўшимча қиймат ҳисобланади. Хизматлар сотилганда уларнинг қиймати даромадга ва ундаги қўшимча қиймат эса фойдани ҳосил қилади.

7. Корхона хўжалик фаолияти самарадорлигининг умумлаштирувчи мезон сифатида интеграл кўрсаткич – рентабеллик кўрсаткичи (аванслаштирилган капиталнинг даромадлилиги) ҳисобланади.

Тахлилий маълумотлар далолат берадики, жами иқтисодиёт бўйича асосий воситалар, номоддий активлар ва моддий айланма маблағларнинг ўртача қийматига нисбатан аниқланган рентабеллик кўрсаткичи, умуман олганда, 2012 йили 2010 йилга нисбатан маълум бир даражада ўсган. Айнан шу объектларга нисбатан ҳисобланган рентабеллик кўрсаткичи савдо ва умумовқатланиш тармоғида 2,9 баробарга, моддий-техника таъминоти ва сотиш тармоғида 20,0 баробарга ортган. Хизмат кўрсатиш соҳасининг коммунал хўжалиги ҳамда алоқа тармоқларида мавжуд моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш даражаси қониқарли даражада эмаслигидан далолат беради.

8. Хизмат кўрсатиш корхоналари ўз фаолиятини яхшилаш учун мавжуд узоқ муддатли ва жорий активлардан самарали фойдаланишлари зарур.

Хизмат кўрсатиш тармоқларининг айримларида аванслаштирилган капиталнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган фойда миқдори жами иқтисодиёт бўйича ўртача миқдордан анча юқори. Жумладан, савдо ва умумовқатланиш тармоғида узоқ муддатли ва жорий активларнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган фойда жами иқтисодиёт бўйича ўртача миқдордан 2010 йилда 1,9 баробарга, 2012 йилда эса 5,1 баробар юқори бўлган.

9. Хизмат кўрсатиш соҳасида ўз фаолиятини фойда билан, айрим ҳолларда эса зарар билан яқунлаган корхоналар учраб туради. 2010-2012 йилларда алоқа ва коммунал хўжаликларида мавжуд моддий ва номоддий ресурслардан фойдаланиш самараси – зарар билан яқунланган. Бундай ҳолат,

бизнинг фикримизча, кейинги йилларда алоқа ва коммунал хўжаликларининг катта миқдорда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги ва улардан 3-4 йилдаёқ юқори самара олиш имкониятининг чекланганлиги билан боғлиқ.

10. Иқтисодий муносабатларнинг эркинлаштирилиши шароитида корхоналарнинг моддий ресурслар билан таъминланганлигини ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил этишда куйидагиларга эътибор қаратиш ўта зарур ҳисобланади:

- корхоналарнинг зарурий моддий ресурслари билан таъминланганлик даражасини аниқлаш;

- моддий ресурсларни корхонага етказиб бериш ҳажмини, комплекслиги, сифатлиги, сортлиги ҳамда маромийлигининг даражасини белгилаш;

- моддий ресурсларни етказиб бериш борасида корхоналараро тузиладиган шартномаларнинг ўз вақтида тузилганлигини аниқлаш;

- моддий техника таъминоти белгиланган режасининг ҳақиқатга яқинлигини текшириш;

- транспорт тайёрлов харажатларини ҳисоблаш;

- материаллардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлаш ва уларнинг кўрсатилаётган хизматлар ҳажмига ҳамда таннархига таъсирини миқдор жиҳатдан ҳисоблаш;

- фойдаланилмай қолган ички имкониятларини аниқлаш, таҳлил этиш ва бошқалар.

Корхоналарда меҳнат предметларидан фойдаланишни таҳлил этишда уларнинг сарфланиши бўйича ўрнатилган меъёрий маълумотлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

### I. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида, 1990 йил 31 октябрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, 1991 йил 19 ноябрь.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида, 1993 йил 6 май.
5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида, 1993 йил 7 май.
6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқоролик кодекси (1 қисм). – Т.: Ўзбекистон, 1995.
7. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. – Т.: Адолат, 1996.
8. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Банк ва банк фаолияти тўғрисида, 1996 йил 25 апрель,
9. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида, 1996 йил, 29 август.
10. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Таълим тўғрисида, 1997 йил 29 август.
11. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 1997 йил 29 август.
12. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Инвестиция фаолияти тўғрисида, 1998 йил 24 декабрь.
13. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида, 2000 йил 25 май.
14. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида, 2001 йил 29 август.

15.Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Суғурта тўғрисида, 2002 йил 5 апрель,

16.Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Хусусий корхона тўғрисида, 2003 йил 11 декабрь.

## **II.Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари**

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислохатларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк муҳофазасини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлаштириш тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 15 январдаги «Акциядорлик тижорат банкларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги “2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-325 сонли қарори

## **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари**

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 феврал 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом”.

## **IV.Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. - Т.: Ўзбекистон, 1993.

- 2...Каримов И.А. Жахон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йуллари ва чоралари. -Т.:Ўзбекистон, 2009.
- 3.Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади.//”Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 20 январь.
- 4.Каримов И.А. Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислохатлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.//”Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь.
- 5.Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. //”Халқ сўзи”, 2014 йил. 18 январь

## **VI. Китоблар ва монографиялар**

- 1.Абдукаримов Б. ва бошқалар Корхона иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: Фан, 2005.
- 2.Абдукаримов Б.А.Ички савдо иқтисоди. -Т.: Fan va texnologiya, 2007.
- 3.Абдукаримов Б.А., Абдукаримов Ф.Б.. Савдо иқтисодиёти. Ўқув кўлланма.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2013.
- 4.Абдукаримов Б.А., Шарипов Т.С. Умумий овқатланиш: ҳолати, муаммо ва ечимлар. –Т.:Иқтисодиёт, 2011.
- 5.Абдукаримов Б.А., Абдукаримов Ф.Б.. Савдо иқтисодиёти. Ўқув кўлланма.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2013.
- 6.Ishmuxamedov A.E., Kalanov B.Z., Kalanova M. Z., Zokirov G’., Sunnatov M.N., “Ijtimoiy soha iqtisodiyoti” (Darislik), - Т.: TDIU, 2010.
- 7.Макконнелл К.Р, БРЮ С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 Т.: Пер. С англ. Т. 2. – Таллин, 1993.
- 8.Махмудов Э.Х. Исаков М.Ю. Корхона иқтисодиёти (маърузалар матни).- Т.:ТДИУ, 2010.



9. Мирзаев Қ.Ж. Агросервис иқтисодиёти. – Т.:Иқтисод-Молия, 2013.
10. Ожегов С.И. СЛОВАРЬ РУССКОГО ЯЗЫКА. Ок. 57000 слов. Под. Ред. д-ра филол. наук, проф. Н.Ю. Швердовой. – 12-е изд. – М.: Рус. яз., 1978.
11. Очиллов И. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг таснифи. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари.(монография) –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008.
12. Пардаев М.Қ. Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти. -Т.:Наврўз, 2013.
13. Пардаев М.Қ., Очиллов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2011.
14. Файзиев Э.С. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантиришда тутган ўрни. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари.(монография) –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008.
15. Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). - Т.: Fan va texnologiya, 2005.


#### **VII. Рисола, илмий мақолалар ва илмий анжуман материаллари**

1. Пардаев М.Қ. Хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий табиати ва уни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари (назарий жиҳатлар). //Сервис. – Самарқанд, 2009. -№ 1, 37-44 бетлар.
2. Файзиев Ш. Основные направления развития туризма в Узбекистане. //Экономический вестник Узбекистана, № 3-4, 2004, 61 стр.

#### **VIII. Интернет ва статистика маълумотлари**


1. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
2. [www.uza.uz](http://www.uza.uz) – Ўзбекистон Республикаси Миллий Ахборот Агентлиги расмий сайти.

3. [www.ceep.uz](http://www.ceep.uz) – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази расмий сайти.
4. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) - билимлар сайти
5. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2013.
6. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2013.
7. Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари




1-чизма: Корхона фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи\_омиллар

Изоҳ: Чизма муаллиф томонидан тузилган




**2-чизма: Корхона фаолиятига таъсир этувчи ички омиллар**

Изоҳ: Чизма муаллиф томонидан тузилган



**3-чизма: Корхона фаолиятига таъсир этувчи ташқи омиллар**

Изоҳ: Чизма муаллиф томонидан тузилган



**4-чизма: Давлат фаолиятига боғлиқ омиллар**

Изоҳ: Чизма муаллиф томонидан тузилган